

Боқий фикр

Оллоҳнинг назари тушган
мана шу юрtda албатта
ҳар томонлама соғлом,
ўзининг куч-қудратини, қадди-
қоматини билан, баркамоллигини
билан ўзгаларнинг
ҳавасини уйғотадиган эл
яшаши керак.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat


ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 8-oktabr, chorshanba № 81 (8730)

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ



Анвар ИЛЁСОВ сурати.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Ислом КАРИМОВ

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида XVII ёзги Осиё ўйинлари нихоясига етди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ушбу мусобақаларда спортнинг 31 турида иштирок этиб, 44 медаль, яъни 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритди. Жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда мамлакатимиз спортчилари жами 61 медалга (12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медаль) сазовор бўлди.

(Давоми 3-бетда.)



17th Asian Games
INCHEON 2014

БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРДИ

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи бўйича қўппартиявийлик асосида ўтказилади.



Шу билан бирга, сиёсий партиялар томонидан сайловчиларнинг партияни қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаш жараёни якунланди. Ҳар бир партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур эди. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозим.

6 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок

этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Шундай қилиб, барча сиёсий партиялар: Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топширди.

Марказий сайлов комиссиясида имзо varaқалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳи ўз ишини

давом эттирмоқда. Унинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари бор.

Имзо varaқаларини текшириш жараёнида ҳар бир сиёсий партиянинг ваколатли вакили ҳам иштирок этаётган. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида қонунда белгиланган муддатда партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида уziel-кесил қарор қабул қилади.

ЎЗА

Munosabat

Ҳар йили касб байрамимиз муносабати билан Президентимиз йўллаган байрам табригини тингларканман, танлаган соҳамдан бениҳоя гурур, ифтихор туяман. Шу билан бирга, таълим жараёнида яна нималарга эътибор қаратишимиз зарурлигини белгилаб

шубҳасиз, барчамизнинг бахтимиздир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги глобал интеграциялашув шароитида, кундалик ҳаётимизга компью-

УСТОЗЛИК — САОДАТ

Бу касб заҳмати чеккан инсон
доимо халқ назарида бўлади

оламан. Бу йил ҳам Юртбошимизнинг биз, ўқитувчиларга юксак эътибор ва самимият тўла сўзларини эшитиб, шууримдан кечган фикр шу бўлдики, ўқитувчи ва мураббий зоти эъзозланиб, алоҳида эҳтиромга лойиқ кўрилатган юрtda яшаётганимиз,

тер технологиялари ва интернет тизими жадал кириб келаётган бир пайtda хорижий тилларни ҳар томонлама пухта эгалламасдан туриб, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда.)

ДУНЁЛАРГА
ЎЗ
СЎЗИНГНИ
АЙТА
ОЛГИН,
БОЛАЖОН!

5-бет

ДОКТОРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ
янги талаблар
бўйича ҳимоя
қилинмоқда

9-бет

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу маънода, ўтган йилдан бошлаб умумтаълим мактабларининг 1-синфидан чет тилларни ўқитишнинг узлуксиз тизими жорий этилгани фарзандларимизнинг дунё илм-фанидан баҳраманд бўлиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Файласуфлардан бири "Ўқитиш — икки баробар ўқиш демакдир", деганида муаллимлик масъулияти фақат таълим бериш билан эмас, балки мустақил ўқиш, ўрганиш, изланиш билан тақомилга етишни назарда тутгани шубҳасиз. Айниқса, болаларимизнинг тафаккури кенгайиб, дунёқарашини теранлашайотган бугунги кунда ўз устиди иш-

УСТОЗЛИК — САОДАТ

Бу касб заҳмати чеккан инсон доимо халқ назарида бўлади

ламаган, ўз фани бўйича энг сўнги янгиликлардан хабардор бўлмаган ўқитувчи ўқувчилар ишончини қозона olmayди.

Президентимизнинг байрам табригида айтган "Давлатимиз, жамиятимиз сизларнинг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган катта ҳиссангизни, масъулиятли фаолиятингизни юксак баҳолайди ва қадрлайди", деган сўзлари мен каби минглаб ўқитувчи ва мураббийларни руҳлантириб, янги марраларга ундамоқда. Бу йил бир гуруҳ ҳамкасбларим қатори камтарона педагогик фаолиятим юқори баҳолаиб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига лойиқ кўрилгани ўқитувчилик бурчимни янада ғайрат билан, сидқидилдан адо этишимда қанот бўлиши шубҳасиз.

Нигора БОБОЕВА,
Нарпай туманидаги 64-мактабнинг
кимё фани ўқитувчиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими

ЭҲТИРОМГА МУНОСИБ БЎЛАМИЗ

Юртимизда ҳар бир ота-она каби ҳар бир устоз-мураббийнинг ҳам энг улуг мақсади соғлом ва баркамол фарзандни тарбиялашдир. Бизга берилган устозлик мактабининг залвори ҳам юртимизда таълим соҳасида кечаётган ислохотларга ҳамқадам бўлиб, юксак маънавиятли, тафаккури кенг авлод камолоти йўлидаги масъулиятли фаолиятимизда кўринади. Бу йўлдаги камтарона меҳнатимиз ўз эътирофини топмоқда. Минглаб устоз-мураббийлар Ватанимизнинг юксак ордени ва медаллари билан тақдирланаяпти.

Не бахтки, жорий йил Президентимизнинг "Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонида кўра "Шухрат" медали билан тақдирландим. Бу мукофот нафақат менга, балки бутун академик лицейимизнинг фаолиятига берилган баҳо эди. Ўғлим кўнги-рок қилиб, бу хушxabарни айтганида кўзим ёшланди. Ота касб — ўқитувчиликнинг этакдан тутганимга шукрона келтирдим ва чуқур ҳаяжон ила муаллимликка қизиқиш уйғотган дадам ва биз ёш ўқитувчиларни доимий қўллаб-қувватлаб турган устозим Мухожир Якубова ҳузурига шошилдим. Кўчогимни гуллар беади. Бу оддий муаллимга улкан эҳтиром, эъзоз эди. Ҳаяжонли дақиқаларда фақат бир нарсани кўнглимдан ўтди: мукофот бу — улуг иззат, шу

билан бирга, катта масъулият ҳамдир. Энди ўз устимда янада самарали ишлашим, фидокорона меҳнат қилишим зарур.

Информатика кўни сайин янгилашиб бораётган фан. Бу фан ўқитувчиси замон билан ҳамнафас бўлиши, компьютер дастурларни иловалари тақомиллашайотганини инобатга олган ҳолда дарс ва машғулотларда янги педагогик технологияларни қўллаб олиши зарур. Боиси, дастурий маҳсулотларнинг турлари кўпайиб, тушунчалар сони ортиб бормоқда. Шу маънода, компьютер билан бемалол тиллашадиган бугунги ўқувчиларга замонавий билимларни бериш доимий изланишни талаб этади. Президентимизнинг биз — ўқитувчи ва мураббийларга йўлаган табригида таъкидлаганидек, «таълим масканларида «Ziyounet» тармоғи ёрдамида ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш, мультимедияли умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази фаолиятини кучайтириш, ўқув адабиёти ва қўлланмалари электрон турларининг илмий-услубий савиясини юксалтириш муҳим вазифамиздир». Бу фикрлар биз ўқитувчилар учун дастуриламал бўлиб қолади.

Зарифа АБДУҒАФУРОВА,
Тошкент давлат техника университети
қошидаги компьютер технологиялари
академик лицейининг информатика фани
ўқитувчиси

САЙЁҲЛИК ВА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

"Ипак йўлидаги туризм"
XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида "Туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорлик: таълим ва иш билан таъминлаш" мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси, Республика илмий-ўқув консалтинг маркази, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, олим ва мутахассислар, талабалар иштирок этди.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Ф.Ризаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Ж.Эдгар ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида сайёҳликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, хизмат кўрсатиши янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 30 июнда қабул қилинган "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ бу борада самарали тизим йўлга

қўйилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро туризм факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги коллежларда сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона ҳўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Мунтазам ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари битирувчиларга сайёҳлик фирма ва компаниялари фаолияти билан яқиндан танишиш, иш тақлиф этувчиларга юқори малакали кадрларни танлаш имконини бераётди.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази ҳам юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини оширишда муҳим ўрин тутди. Марказ томонидан гидлар, туроператор ва меҳмонхона ҳўжалиги ходимлари тайёрланмоқда.

Малакали кадрлар тайёрлаш борасида ижтимоий ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Хусусан, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Британия кенгашининг "Инглиз тили туризм учун" номли қўшма лойиҳаси доирасида туризм коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш, соҳага оид ўқув дастурларини тақомиллаштиришга қаратилган тренинглари ўтказилмоқда.

Форум қатнашчиларига мамлакатимизда туризм таъ-

лимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

— Президент Ислам Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг Самарқандда ўтган 99-сессияси очилиш маросимидаги нутқи менда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Вьетнамнинг "Asia Master Travel" компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вакили Ха Тьен Нгок. — Давлатимиз раҳбари нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда туризмин ривожлантиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирди. Жумладан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлиб қолаётганини таъкидлади. Ўзбекистонда бу соҳада профессионал кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга сазовор. Бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш барча мамлакатлар учун фойдали бўлади. Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида шу мавзуга бағишланган халқаро форум ташкил этилгани бизга жуда маъқул бўлди.

— Компаниямиз Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида учинчи марта иштирок этмоқда, — дейди Таиланднинг "Sayama Travel Group" компанияси савдо директори Валентина Малай. — Таиландда Ўзбекистонга ташриф буюришни истовчилар жуда кўп. Ярмаркада Ўзбекистондаги барча вилоятларнинг сайёҳлик салоҳияти билан танишиб,

мамлакатингизда туризмнинг жуда кўплаб йўналишлари изчил тараққий этаётганига амин бўлдик. Ўзбекистоннинг кўплаб туроператорлари билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдоримиз.

Юртимиз сайёҳлик саноатининг тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Улар янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боғлар барпо этиш, сайёҳларга замонавий хизмат кўрсатиш, хунармандликни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, халқимиз фаровонлиги янада ошмоқда.



ларга экспорт қилишда қўл келади.

Форум иштирокчилари хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мамлакат сайёҳлик салоҳиятини янада оширишда соҳа мутахассислари малакасини муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида таълим туризмининг ривожлантиришга бағишланган қатор тадбирларнинг ўтказилаётгани бу йўналишдаги ишларни тақомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Анжуманда туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, ўқув муассасалари билан иш тақлиф этувчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш ва тизимий тақомиллаштириш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро форум доирасида сайёҳлик хизматлари сифатини оширишда касб таълимининг аҳамиятига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ҳамда туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорлик масалаларига оид давра суҳбати ўтказилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

2014-yil 8-oktabr, № 81 (8730)

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Осиё ўйинларида қитъамизнинг 45 мамлакатидан 13 мингдан зиёд спортчи 36 спорт тури бўйича 437 медаллар жамланмаса учун ўзаро бахслашди. Улар орасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари кўпчилик экани мусобақаларнинг кескин ва муросасиз кечишини таъминлади.

Осиё ўйинларида Ўзбекистондан 228 спортчи бокс, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзюдо, огир ва энгил атлетика, эркин ва юн-рум кураши, сузиш, велоспорт ва бошқа спорт турлари бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Улар ўзларининг ёрқин чиқишлари ва эришган юксак натижалари билан Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилаётганини яна бир бор намоиш этди ва Ватанимиз шаънининг бутун дунёда янада улуғланишига ҳисса қўшди. Энг муҳими, Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан ҳеч қачон кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

Спортчиларимиз бундай имконият ва юксак марраларга муштақиллигимиз шарофати тўғрисида эришди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, спорт соҳасини тубдан ислоҳ этиш борасида кенг қўллади ишлар амалга оширилди. Кўплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилди ва бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Улар сифатли инвентар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда, соҳа учун юқори маънавият мутахассислар тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда, спорт ва жисмоний тарбия ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича тўлиқ янгиланган тизимнинг муҳим узвий қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва болаларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нуфузли халқаро мусобақалар — ўсмирлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионати, таэквондо ва самбо бўйича Осиё чемпионати, эркин ва юн-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатининг юксак савияда ўтказилгани боис дунёда Ўзбекистоннинг спорт мамлакатли сифатида обрў-эътибори ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизда спорт ҳаракатини янада кенгайтириш, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб

мақсадларни кўзлаганмиз. Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Ўтган вақт давомида Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ушбу эзгу мақсадларга эришишга қаратилган кўплаб лойиҳаларни амалга оширди. Жамғарманинг самарали фаолияти натижасида Ватанимизнинг энг чеҳра ҳудудларида ҳам ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда барча замонавий шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда миллионлаб болалар ва ўсмирлар иштирокида анъанавий ўтказиб келинаётган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мусобақалар тўғрисида мақбала, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрларида таълим олаётган миллионлаб ёшлар футбол, теннис, сузиш, шахмат, кураш, бокс, гимнастика, энгил атлетика ва бошқа кўплаб спорт турларида ўз маҳоратини намоён қилмоқда. Мамлакатимиз терма жамоаларининг аксарият вакиллари ушбу ўйинларда тайёргарлик мактабини ўтаб, айни пайтда йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда, Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёш Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилганлигини яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ушбу ҳужжатда спортчиларимизни Олимпия ўйинларига пухта тайёрлаш вазифалари, яъни спорт федерацияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатларда мураббий ва ҳакамларнинг малака оширишини ҳамда спортчиларимизнинг ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда яна ўнлаб спорт объектлари барпо этиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Спортчиларимизнинг XVII ёш Осиё ўйинларидаги иштироки мутахассис ва мураббийларимизга Олимпиадага йўлланма олиш учун курашадиган атлетларимизнинг маҳоратини синовдан ўтказиш, уларнинг салоҳиятини баҳолаш имкониятини берди.

Осиё ўйинларида кўлга қиритилган медалларнинг катта қисми олимпия спорт турлари билан шуғулланидиган ёшларимиз ҳиссасига тўғри келди. Эркин ва юн-рум кураши бўйича Рустам Аскалов, Дилшоджон Турдиев, Бекзод Абдурахмонов, Рашид Қурбонов ва бошқа полвонларимиз ўзбек кураш

мактабининг юксак салоҳиятини намоиш этиб, терма жамоамизга 3 олтин, 1 кумуш ва 3 бронза медалини келтирди.

— Бу менин Осиё ўйинларидаги биринчи иштироким ва ilk олтин медалиmdir, — дейди эркин курашчи Бекзод Абдурахмонов. — Президентимиз томонидан ёш спортчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, оилам ва яқинларимнинг муҳаббати шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишигга куч берди.

— Мен Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўрдим, — дейди юн-рум курашчиси Рустам Аскалов. — Ҳалаба қозониш осон кечмади. Мамлакатимизда спортчилар учун яратилган қулай шароит, давлатимиз раҳбари томонидан уларга берилаётган улкан эътибор ва рағбат бу ютукда асосий омил бўлди. Мен Ўзбекистонни севаман ва ғалабамни Ватанимга бағишлайман.

Таэквондо (WTF) бўйича спортчиларимиз кўлга қиритган 4 медал уларнинг Осиё ўйинларига тайёргарлиги тўғрисида ташкил этилганидан далолат беради. Жасур Бойқўзиёв биринчи олтин медалга сазовор бўлди. Ака-ука Никита ва Максим Рафаловичлар, Дмитрий Шокин кумуш медаллар билан тақдирланди.

Мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор самарасида бугун ўнлаб спортчи қизларимизни бутун дунё яхши билади. Осиё ўйинларида иштирок этган спортчи қизларимизнинг ғалабалари ҳам бунини яна бир бор яққол исботлади.

Гимнастикани қизларимиз Анастасия Сердюкова, Жамила Раҳматова, Валерия Давидова ва Равиля Фархутдинова юқори тайёргарлик ва ғалабага бўлган катта иштиёқни намоиш этди. Уларнинг халқа, тўп, булава, лента билан мураккаб машқларни бажариши муҳлиси мутахассислар олқишига сазовор бўлди. Мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрган спортчиларимиз жамоавий баҳсларда Жанубий Корея, Хитой Тайпейи, Хитой, Япония, Қозоғистон ва бошқа давлатлар вакиллари доғда қолдириб, мамлакатимизга навбатдаги олтин медалларни келтирди.

— Осиё ўйинларининг ғолиби бўлганимиздан ғоят бахтиёрмиз, — дейди Валерия Давидова. — Зеро, бундай нуфузли мусобақаларда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиш ҳар бир спортчининг орзусидир. Биз ҳам бунини жуда хоҳладик ва жиддий тайёргарлик кўрдик. Орзуларимиз ушалди. Осиё ўйинларида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди ва давлатимиз мадҳияси янгради. Энг муҳими шу!

Ёш огир атлетикачимиз Махлиё Тоғаева беллашуларда ўзининг юксак маҳоратини намоиш этди.

— Бундай йирик спорт мусобақасида терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медални келтирганимдан хурсандман, — дейди М.Тоғаева. — Мусобақада рақобат шунчалик кучли бўлдики, ҳатто Олимпия ўйинлари совриндорлари ҳам медалсиз қолди. Осиё ўйинларидаги муваффақиятим мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёш ва иқтидорли спортчиларни рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Ушбу мусобақаларда энгил атлетикачиларимиз ҳам салмоқли ютуқларни кўлга қиритди. Лондон Олимпиадаси финалчиси Светлана Радзивилов баландликка сакраш мусобақасида 1 метру 94 сантиметр натижа кўрсатиб, хитойлик рақибини ортда қолдирди ва олтин медални кўлга қиритди.

Кумуш медал соҳиби энгил атлетикачи Леонид Андреев ҳам муҳлиси мутахассисларнинг эътиборига сазовор бўлди. У ўзининг юксак маҳоратини намоиш этиб, 100 метрга югуриш, узққликка сакраш, ядро улоқтириш ва баландликка сакрашда юқори натижалар кўрсатди.

Энгил атлетикачиларимиз Надежда Дўсанова ва Иван Зайцев ҳам мамлакатимиз терма жамоасига иккита бронза медали келтирди.

Боксчиларимиз ҳам кўплаб медалларни кўлга қиритди. Шаҳобиддин Зоиров ва Исроил Мадраимов кумуш, Ойбек Мамазулнов ва Мирзохиджон Абдуллаев бронза медалларига сазовор бўлди.

Эшак эшувчи спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишонччи оқлаб, 5 медални кўлга қиритди. Мамлакатимиз терма жамоасининг ғалабали одимларини иқтидорли спортчимиз Алексей Мочалов бошлаб берди. У 1000 метр масофага байдаркада эшак эшиш баҳсларида Эрон, Қозоғистон ва Хитой вакиллари ортда қолдирди. Иккинчи бўлиб пойгага икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков чиқди. У 1000 метр масофага каноэда эшак эшиш баҳсида Қозоғистон, Хитой ва Жанубий Корея спортчиларидан ўзиб кетиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Каноэда жуфтлик пойгаларида қатнашган Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев дуэти Осиё ўйинларининг бронза медали совриндори бўлди. Байдаркада эшак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги пойгада Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Александр Тропин ҳам бронза медалини кўлга қиритиб, мухлисларни хурсанд қилди. Шу тариқа улар Ўзбекистон байдарка ва каноэчилари Осиёда етакчилардан эканини бутун дунёга яна бир бор намоиш этди.

— Ҳалаба қозонганимга ҳалигача ишонолмаймман, жуда ҳаяжондаман, — дейди Алексей Мочалов. — Аслида олдиндан ғалабани мақсад қилганим ва мусобақага жиддий тайёрланганим. Ватанимизга яна бир олтин медал тўхфа қилганимдан бахтиёрман.

Спортчиларимизнинг XVII ёш Осиё ўйинларида эришган ютуқлари мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга нечоғлиқ улкан эътибор қаратилаётганини яна бир карра намоиш этди. Истиқлолдан аввал спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда иштирок этишини тасаввур қилиб бўлмасди. Бундай нуфузли мусобақалардаги ғалабалар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Бугун спорт мухлислари, бутун халқимиз XVII Осиё ўйинларида ғалаба қозонган спортчиларимизни хурсандчилик ва фخر-ифтихор билан кутиб олмоқда.

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 7 октябрь — Бутунжаҳон Муносиб меҳнат кунига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда депутатлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, турли идора ва ташкилотлар, касаба уюшмалари фаоллари, Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмаларида меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати олиб бориш, ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги ўз вазифаларини бажариш учун ҳуқуқ ва имкониятлар берилган. Маъмур жамоат тузилмаларининг бандликка кўмаклашиш юзасидан фаолиятида янги иш ўринлари яратилганини жойларга чиқиб ўрганиш амалиёти жорий этилгани ижобий самара бермоқда.

Давра суҳбатида мамлакатимиз меҳнат қўнчилигини тақомиллаштириш, 2014—2016 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида Муносиб меҳнат дастурининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишдаги фаолияти ҳусусида атрафлича сўз юритилди.

❖ **Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида мамлакатимизда инглиз тили ўқитувчилари уюмаси томонидан ташкил қилинган «Сардорлар суҳбати» ўқув тўғрагининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳақида жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Еш етакчиларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» ташкил этилди. Лойиҳа доирасида «Езма нутқ ҳафталиги», «Китобхонлар баҳси», «Математика билимдонлари», «Муаммолар ечимини топиш» каби тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларда талабалар инглиз тилида иш ҳужжатлари юритиш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга оид машғулотларда иштирок этмоқда.

— Лойиҳанинг барча тўғарақларида фаол қатнашиб келмоқдаман, — дейди университет талабаси Шохрух Сирожидинов. — Шу вақт давомида инглиз тилида нутқ маҳоратини оширидим, илмий манбалардан фойдаланиш, ишчи ёзиш ҳамда иш ҳужжатлари билан ишлаш кўникмаларини эгалладим.

Тадбирда «Сардорлар суҳбати» тўғрагининг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берилди. Инглиз тилида сўзлашиш маҳоратини эгаллаш истагидаги ёшларни тўғарақка кенг жалб этиш юзасидан фикр алмашилди.

❖ **Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Фарзандлари соғлом, билимли юртининг келажиги буюқдир!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 4 мингдан зиёд ўқувчиси иштирок этди.

— Ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол юлярига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жисмонан ва маънан етук авлодни воғга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Акмалжон Жумабоев. — Бундай тадбирлар ана шу олижаноб мақсадлар йўлида ёш авлодни турли ёт гоа ва иллатлар таъсиридан асраш, иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Таниқли эстрада хонандалари ва ёш ижрочилар томонидан намойиш этилган концерт дастури йиғилганларга ҳушқайфият бағишлади.

❖ **Пойтахтимизда «Artel» махсулотларининг доимий кўргазма-савдоси ва сервис хизматлари маркази ишга туширилди. Бунинг учун 6,5 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилиб, салкам 180 иш ўрни яратилди.**

Шуни қайд этиш зарурки, компания истеъмолчиларга энгил ва содда бошқариладиган, уй юмушларини бажаришда самарадорлиги юқори бўлган қўллаб турдаги маиший техника воситаларини етказиб бермоқда. Шу йилнинг ўтган даврида етти хил ҳажм ва русумдаги музлаткичлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундан ташқари, турли конфигурациядаги смартфон ва мобил телефонлар ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда компаниянинг ҳар бир вилоятда иккитадан сервис маркази мавжуд бўлиб, улар замонавий жиҳозланган махсус автомобиллар билан таъминланган. Бектемир туманида ишга туширилган янги марказда ҳар бир буюртмани тез ва сифатли тарзда бажариш учун «онлайн» режимида 24 соат давомида узлуксиз ишлайдиган алоқа маркази ташкил этилди. Сервис марказида тузатишлар махсулотларни назорат қилувчи мустақил лаборатория фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган, «Artel» бренди туширилган замонавий қўриқчилар, юқори қўвватли ва рақобатбардод маиший техника воситалари истеъмолчилар талабини қондириш ҳамда махсулот танларини арзонлаштириш орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Инглиз тилини биргаликда ўрганамиз

Шу йилнинг 27 сентябридан 30 октябрга қадар Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан Халқ таълими вазирлиги, UNICEF болалар жамғармаси, ЎЗДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда юртимизнинг барча ҳудудларида «Инглиз тилини ота-оналар билан ўрганамиз» мавзусида интерфаол акция ўтказилмоқда.

Акцияни ўтказишдан мақсад, ота-оналарнинг болаларига дарсдан ташқари вақтда инглиз тилини ўргатиш кўникмаларини ривожлантириш, чет тили ўқитувчиларини ота-оналар билан ҳамкорлик ўрнатишга доир манбалар билан таништиришдан иборат.

— Мутахассисларнинг кўп йиллик кузатувлари шуни кўрсатадики, ота-она билан ўтказилган лаҳзалар бола хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади, — дейди Британия кенгашининг мамлакатимизда-

ги ваколатхонаси инглиз тили лойиҳалари менежери Наталья Сарикова. — Интерфаол акцияда тил ўрганишда ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она ҳамкорлигини акс эттирувчи кўнрок ўйинлар, қизиқарли танловлар, қўшиқ ва муноза-рага бой машғулотлар қамраб олинди.

Акция доирасида Мирзо Улугбек туманидаги 142-мактаб, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ҳамда

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида амалий семинарлар ташкил этилди.

Тадбирда иштирок этган ўқувчи ва ота-оналар видео-проектор орқали намойиш этилган мультфильм қаҳрамонлари билан жўрликда инглизча қўшиқлар қўйлаб, ўйин машқларини бажаришди. Қизиқарли танловларда ота-оналар ҳам фаол иштирок этиб, фарзандига балл тўплашда кўмаклашди. «Kids' English» дарслиги муаллифи Светлана Хан ўтказган ҳаракатли ўйинлардан иборат машғулотлар, аynикса, қизиқарли бўлди. Тадбир якунида ота-оналарга «Learn English Family» қўлланмалари тарқатилди.

Акция доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Махбуба КАРИМОВА, «Ma'rifat» мухбири

Барча миннатдор

Сирдарёда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.

Гулистон шаҳри маҳаллаларида ташкил этилган тиббий текширувларда Тошкентдаги ихтисослаштирилган тиббий марказлардан таширф буюрган мутахассислар иштирок этмоқда. Улар аҳолини, жумладан, оналар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бермоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган акушер-гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори Дилфу-

за Мирзахўжаева. — Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган маъмур ҳафталик турли касаликлар келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш каби мақсадларга қаратилгандир.

Тиббий қўриқдан ўтганлар орасида Гулистон шаҳрининг Бўстон маҳалласида яшовчи Гулрух Мухамедова ҳам бор.

— Пойтахтдан келган малакали шифокорлар касалигимни аниқлаб, уни даволаш бўйича тегишли маслаҳат берди, — дейди Г.Мухамедова. — Давлатимиз томонидан биз, аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз.

А.МУСТАФОҚУЛОВ, ЎЗА мухбири

Илғор тажриба — самарали билим асоси

Шайхонтоҳур туманидаги 132-умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Илғор тажриба, яхши дарс, самарали билим» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Тадбирда методистлар, илғор тажрибали ҳамда ёш она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда «Мураккаб фанни ўрганамиз» тасвасия асосида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан фикрлашилди. Шўбларда интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда мав-

зуга оид очик дарслар ўтказилди.

— Фикрни турли рамзий белгилар орқали ифодалаш ўқувчиларни қизиқтириши табиий, — дейди тумандаги 320-мактабнинг она тили ва ада-

биёт фани ўқитувчиси Манзура Холдорова. — Бу усул мумкин адабиёт намояндалари ҳаёти ва ижоди ўқувчига қай даражада танишлигини аниқлашда самарали экани амалий машғулотларда кўрсатилди. Шунингдек, фанни ўқитишга доир илғор тажрибалар ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Махбуба КАРИМОВА, «Ma'rifat» мухбири

Ўқувчининг соч турмаги

ўзига ярашиб турсин

Мактабимизда ўқувчи ёшларни касб-хунарга қизиқтириш, иқтидори ва лаёқатига қараб муайян соҳаларга йўналтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда турли тадбир ва кечалар, касб эгалари билан давра суҳбатлари ўтказиб келинапти. Яқинда ўқувчи қизлар ўртасида ўтказилган «Энг чиройли соч турмаги» қўрик-танлови ҳам шулар жумласидандир.

Қизларимизга кундалик соч турмақларини ўргатиш ва уларнинг мактабга тоза, озода ва ораста келишини таъминлаш мақсадида таш-

кил этилган танловда сартарошликка иштиёқи бор юқори синф ўқувчилари иштирок этиб, ўқитувчи ва ўқувчиларга ҳар жиҳатдан мос келадиган одми соч турмақларини намойиш этишди.

Мутахассислар ва ўқитувчилардан иборат ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни муносиб баҳолаб, сартарошликка қўбилишти, истеъдоди бор қизларни касб-хунарга тўғри йўналтириш бўйича аниқ тавсиялар берди.

Дилафрўз РАҲИМОВА, Учкўприк туманидаги 29-мактаб директорининг ўринбосари

Ташаббус — имконият самараси

Бешариқ туманидаги 42-мактаб ўқувчилари жорий ўқув йилини янги барпо этилган 300 ўринли ўқув биносига бошладилар. 2014 йил Инвестиция дастури доирасида бунёд этилган маъмур марказида яратилган барча зарур шарт-шароитлар болаларнинг билим олишга иштиёқини оширмоқда.

Бундай имкониятдан руҳланган педагоглар жамоаси ҳам янги-янги ташаббуслар-

га қўл урмоқда. Жумладан, таълим маскани ҳовлисида «Тарих саҳифалари» майдон-

часи ташкил этилди. Ўқитувчилар тарих фанидан баъзи дарсларини майдончадаги Регистон, Минораи калон сингари обидалар макетлари орқали кўргазмалар тарзда ўтишади.


Абдусаттор ҒАФУРОВ, мактаб директорининг ўринбосари

2014-yil 8-oktabr, № 81 (8730)

Манзура ая фахрланиб ҳикоя қилади:

— Кунора неварам Нигорахонни етаклаб эски шаҳар бўйлаб сайрга чиқаман. Намозшом пайти бу кўчалар бирам фараҳли, бирам файзли бўладики, кўнглинг яйрайди. Ҳар гал неварамга мадрасалар, масжидлар, тилсимга бой пештоқларнинг номларини бирма-бир эслатиб, қизиқарли тарихи ҳақида қайта-қайта ҳикоя қилиб бераман. Ахир, қандай муқаддас жойда яшаётганини, қандай буюк кишилар авлоди эканини билсин, фахрлансин дейман-да!

Неварамнинг кўлидан тутиб йўл бошлаيمان, ҳар нарсаса қизиқувчан, қақилдоқ неварам эса мени саволларга кўмганча ортимдан эргашади. Болалигим ёдимга тушади. Бир пайтлари мени ҳам бувим худди шу йўсин етаклаб юрган...



Maktabgacha ta'lim

ДУНЁЛАРГА ЎЗ СЎЗИНГНИ АЙТА ОЛГИН, БОЛАЖОН!

Бир куни Мирзо Улуғбек мадрасаси ёнидан ўтаётганимизда неварам бирдан кўлимни куйворганча, олдинга чопқиллаб кетди. Қарасам, мадраса пештоқиға ҳайрат билан тикилиб турган сайёҳнинг ёнига бориб, бир нималар деб чугурлаяпти. Сайёҳ ҳам қизиқсиниб, унинг гапларини тинглар, ора-сира савол берарди. Мен ҳай-ҳайлаб етиб боргунимча, улар анча-мунча суҳбатлашиб олишди. Неварам мени кўрсатиб, сайёҳга алланима деди. Шунда ҳалиги киши кўлимни маҳкам сиқиб, мен билан дўстона саломлашди, тагин бир нималарни гапирди, кейин кўлларини силжитиб хайрлашди. Унинг франциялик меҳмон эканини неварамдан билиб олдим ва яна нималар ҳақида гапиришганини суриштирдим.

— Мен унга ёқиб қолган бу ҳашаматли бино Мирзо Улуғбек мадрасаси эканини айтдим. Мирзо Улуғбек бизнинг бобомиз бўлганини ҳам. Кейин у исминини, ёшимни, инглиз тилини қаердан ўрганганимни сўради. Бувижон, «grandfather» бобо дегани, «grandmother» буви дегани, тушундингиз?!

Биз яна кўл ушлашиб борардик. Лекин энди мен неварамни эмас, назаримда, неварам мени етаклаётгандек туюларди. Мактаб оstonасидаяк дунёларга ўз сўзини айта олаётган бу қизалоқ mening неварам эканидан фахрланиб кетдим.

Президентимизнинг «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бугун мактабгача таълим муассасаларида ҳам хорижий тилларни ўқитишга катта аҳамият қаратилмоқда. Ўтган ўқув йилида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда катта ва тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларини чет тилига ўргатиш йўналишида Бухоро вилоятида 13 та таянч мактабгача таълим муассасаси белгиланди.

— Бундан икки йилча илгари ота-оналар талаби асосида боғчамизда инглиз тили тўғрагини ташкил этган эдик, — дейди Когон шаҳридаги 14-МТМ мудираси Шаҳзода Шарипова. — Дастлаб «Тарбияланувчилар учун бундай машғулотлар қийинчилик туғдирмасмикан?» деган ҳадик бизни бироз чўчитди. Бироқ қисқа вақт ичида

болажонларимизнинг инглиз тилини ҳеч бир қийинчиликсиз, қизиқиш билан ўзлаштира бошлаганини кўриб қувониб кетдик. 2014 йилнинг январь ойидан муассасамиз шаҳар МТМлари орасида шу йўналишдаги таянч муассаса этиб белгиланди. Ишни самарали ташкил этишда бизга шаҳардаги 9-мактаб жамоаси яқиндан амалий-методик ёрдам берди. Тажрибали ва маҳоратли инглиз тили фани ўқитувчиси Дилфуза Адизова эса катта ва тайёрлов гуруҳларида «Инглиз тили билан дўст бўлайлик» ўқув дастури асосида машғулотлар олиб борди.

— Машғулотларимиз ҳафтасига икки кун қилиб белгиланди, — дейди бу ҳақда инглиз тили ўқитувчиси. — Аввалдан кўникма бўлгани учунми, болажонлар дастурни ўзлаштиришга тезда киришиб кетдилар. Мазкур дастур 1-синфга тайёрлов асосида ишланган бўлиб, машғулотлар ўйин тарзида олиб борилади. Шеър ва қўшиқлар ҳам болалар ёшига мос содда ва осон. Бундан ташқари, ҳар бир мавзуда такрорлаш машғулотларининг мавжудлиги болажонларимизнинг билимларини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Гуруҳ тарбияланувчилари билан суҳбатлашар эканмиз, бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Улар ўзлари, яшаш жойлари, оила аъзолари ҳақида ҳеч қийинчиликсиз гапириб беришди. Филллар, ранглар, уй ва мактаб жиҳозлари, ўқув қуроллари, мевалар, ҳайвонларнинг инглизча номларини ҳам. Айниқса, ҳар бирининг ўнлаб шеър-қўшиқларни ёд билишлари бизни жуда қувонтирди.

— Дастур билан ишлаш жараёнида болажонлар ўзлаштиришидаги айрим бўшлиқлар ҳам яққол кўзга ташланди, — дея фикрини давом эттиради Дилфуза Адизова. — Инглиз тилидаги сўзларни тўғри талаффуз қилолмаслик улар ёшига мос камчиликдир. Янги ўқув йилида биз ана шу жиҳатни бартараф этишда кўпроқ қўшиқлардан фойдаланишни режалаштирганмиз.

Бухоро шаҳридаги 81-МТМда ҳам бу борада намунали ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти услубчиси Нозима Асланова шундай эътироф этади:

— Ҳар бир янгиликни самарали татибқ этишда тўғри қарор ва пухта тадбирлар лозим бўлади. Таълим-тарбияда ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини яхши англаган муассаса жамоаси инглиз тилини биргаликда ўргатиш ташаббуси билан чиқибди. Айтиш жоизки, бу бошқа МТМлар ҳам ўрганса бўладиган тажриба. Тарбиячи, ўқитувчи ва ота-она. Боғчада ҳафтанинг икки куни «Инглиз тили куни» деб эълон қилинган. Шу кунлари барча тарбиячилар фақат инглиз тилида гаплашишга ҳаракат қиладилар. Барча машғулотлар жараёнида чет тилидан фойдаланилади. Шунингдек, инглиз тилида тадбирлар, ҳар хил мусобақалар ташкил этилади. Уларда ота-оналар ҳам бевосита иштирок этадилар. Бундай муҳит, табиийки, болажонларга чет тилини осон ва тез ўзлаштиришга ёрдам беради.

— Бу ҳамкорлик биз тарбиячилар учун ҳам жуда фойдали бўлди, — дейди Матлуба Акрамова. — Болажонларнинг интилишларини кўриб, ўзимиз ҳам тил ўрганишга қизиқиш кетдик. Биргаликда ҳар кун янги сўзларни ўзлаштириб, айни пайтда бемалол мулоқот қила оладиган бўлдик. Чунки, бугуннинг замонавий тарбиячиси бўлиш учун ҳам чет тилларни билиш зарур.

Муассасада болажонларнинг тил ўрганишлари учун барча қулайликлар яратилган. Ўқув хонаси телевизор, мавзуларга мос кўргазмалар, ўйинчоқлар билан жиҳозланган. Инглиз тили ўқитувчиси Назокат Болтаеванинг ҳар бир машғулотни мультфильмлар, қўшиқлар, эртақлар, шеърлар ва илгор педагогик технологиялар асосидаги ўйин-машқлар орқали маҳорат билан ташкил этгани машғулотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Ҳозир катта ва тайёрлов гуруҳ тарбияланувчилари ҳафта кунлари, уй ва ёввойи ҳайвонлар, ранглар, сонлар, фасллар, меваларнинг инглиз тилида қандай аталишини осонгина айтиб беришади.

Янги ўқув йилида ҳам инглиз тилини ўргатиш бўйича таянч мактабгача таълим муассасаларидаги фаолият давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида тўпаланган тажриба ва кўникма галдаги вазифалар муваффақиятли амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КЎРКАМ БОҒДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

тарбияланувчилар
дунёқарашини
кенгайтирмоқда

Самарқанд шаҳридаги 69-мактабгача таълим муассасасида яратилган қулайликлар, таълим-тарбия жараёни, маскан ҳудудининг обод ва кўркемлиги, чет тилларни ўрганиш ва спорт ўйинларини ташкил этишга алоҳида ёндашилаётгани ота-оналарга ҳам, болажонларга ҳам манзур бўлмоқда. Таълим даргоҳини қўрибқ МТМ бу йил «Энг обод таълим муассасаси» республика кўрик-

Eng obod ta'lim
muassasasi

танловида голиб бўлганининг сабабини аниглайсиз.

МТМда 300 нафар ўғил-қизни Ватанга садоқат, табиат ва инсонга ҳурмат руҳида тарбиялашни асосий мақсад деб билган қирқ бир нафар ходим самарали меҳнат қилмоқда. Педагоглар кичкинтойлар онгида экологик маданиятни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратишади. Ҳашар йўли билан яратилган кўркем ва озода ҳовлининг гўзал манзарасидан кўз қувнайди. Мевали ва манзарали дарахтлар, чирой очиб турган гулларнинг ҳар бири ўзига хос ландшафт дизайни асосида экилган. Ўзтиборлиси, гул ва дарахт кўчатлари масканнинг махсус иссиқхонасида етиштирилган. Қўл меҳнати билан яратилган тошли манзара ва хайкалчалар «Ёш ниҳоллар» боғига жило бағишлаб турибди. Асосий машғулотлар шу боғда ўтказилаётгани кичкинтойларнинг табиатга меҳрини, қизиқишини янада оширмоқда.

— Масканимизда тарбияланувчиларга маҳоратли педагоглар таълим-тарбия беради, — дейди муассаса раҳбари Раъно Нейматова. — Улар услубий қўлнамалардан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятларида илгор усуллари жорий этиштиради. Тажрибали тарбиячилардан Насиба Жалилова, Феруза Мамаширипова, Сурайё Пулатова, Салима Очилова ҳар бир машғулотни қизиқарли ўтиб, болажонлар қалбида севишли масканга, туғилиб ўсган Ватанга муҳаббат туйғулларини уйғотиб беришади. Қадрдон гўшаларини авайлаб-асраш ҳамда обод сақлаш учун нималарга эътибор беришлари кераклигини ўқитиб боришмоқда.

Дарвоқе, жорий йилда муассасанинг ошхона, кир ювиш ва тиббиёт хоналари шаҳар ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар кўмағида қайта таъмирланиб, янгича кўришни касб этди.

Ҳаким ЖҰРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Бир куни укам: «Қандай гапирсам, ҳамма мени эшитди?» дея савол берди. Аввалгиларидан фаркли ўлароқ, бу савол бироз ўйлантириб қўйди.

— Эсингдами, ойм: «Сизларга сўз беришса сўзланг, етти ўлчаб бир кесиб, мулоҳаза билан гапиринг», деганди.

Серсавол укам бу гал камроқ сўроққа тутди, деб ўйлагандим ҳам, «Мулоҳаза нима, ўзи?» дея сўраб қолди...

— Мулоҳаза инсон ақлий фаолиятнинг ифодасидир, — дейди ЎЗМУ психология кафедраси катта ўқитувчиси Қодиржон Абдурахмонов. — Тафак-

яшанинг сабаби нимада?», «Фонарчи ота» ҳикояси мутолаасидан сўнг «Фонарчи отанинг ўрнида бўлсангиз, нима қилган бўлар эдингиз?» ёки 6-синфда «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясини таҳлил этишда «Сиз Умри холанинг ҳаракатини қандай баҳолайсиз?», 8-синфда «Уфқ» трилогиясидан келтирилган «Қочоқ» парчасида Турсунбой нима учун чангалзорга қочди, уйга борса нима бўларди?» каби саволлар орқали ҳар бир боланинг фикри тингланади. Баъзи ўқувчилар ўз фикрларини билдиришга бироз тортинади. Уларга мулоҳазалари-

«ҚАНДАЙ ГАПИРСАМ, МЕНИ ЭШИТИШАДИ?»



кур эса теварак-атроф, ижтимоий муҳит ҳамда воқеликни билиш, кенг қўламдаги оқилона фаолиятнинг асоси саналади. Мулоҳаза ва тафаккур натижасида фикр, гоя, фаразлар туғилиб, онгда тушунча, ҳукм, ҳулоса шаклида намоён бўлади. Тафаккурни ривожлантиришда кўпи синфларданок ўқув режа бўйича ёки эркин мавзуда иншо ёзиш, масалалар тузиш ва уларни рационал усулларда ечиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда болалар интернет, радио, телевидение, кино, оиладаги суҳбат ва китоблар орқали жуда кўп янгиликлардан хабардор бўлади. Бу, албатта, уларнинг дунёқарабини кенгайтиради.

Ён-веридаги воқеа-ҳодисаларга шунчаки муносабат билдириш эмас, балки «Аслида нима бўлган, қандай бўлиши керак эди? Эҳтимол, бу ҳолат бошқача яқун топиши мумкин-дир?» кабида фикрлайдиган ўқувчиларни тарбиялаш педагоглардан катта масъулият ва маҳорат талаб этади.

— Болаларда мулоҳазакорлик фазилатини шакллантиришнинг энг самарали усулларидан бири бадий китобларни кўпроқ ўқишга ундашир, — дейди Чуст туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Маърифат Раҳимжоннова. — Дарс жараёнида ўқилган асарларни таҳлил қилиш, асар юзасидан мулоҳазага чорловчи, бахсли саволлар бериш ўқувчини фикрлашга ундайди. Масалан, 5-синф ўқувчилари «Сусамбил» эртагини ўрганиб бўлгач, «Сусамбилда фаровон

ни ёзма тарзда ифодалашни тақлиф этаман. Ўзига хос ёндашувларга алоҳида урғу бериб, рағбатлантираман. Кейинги машғулотларда улар ҳам ўз муносабатларини оғзаки ифода этишади.

Ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, мавзу моҳиятини чуқурроқ англатишда интерфаол методлар қўл келади. Масалан, такрорлаш машғулотларида синф ўқувчиларини гуруҳларга бўлиб, «Заковат» ўйинини ўтказиш, мусобақада адабиёт фанидан ташқари турли мантиқий саволлар ҳам бериш мумкин.

Дарс сўнггида мамлакатимиз ва дунёда бўлаётган энг сўнгги воқеа-ҳодисаларни оммавий ахборот воситаларидан кузатиб бориш, мустақил таҳлил қилиш уйга вазифа сифатида топширилади. Ахборотлардан энг тўғриси ва фойдалисини саралаб олиш кўникмаси шакллантирилса, ўқувчи билиб-билмай сўзасомликни эмас, тафаккур билан мушоҳада қилишни ўрганади.

...Укам билан дарс тайёрладик.

— Бугун адабиёт дарси жуда қизиқарли ўтди, — деди у фахрланиб. — «Заковат» ўйинида гуруҳимиз ғолиб бўлди. Муаллимимизнинг айтишича, ғалабамизнинг сабаби саволларга мантиқан ёндашганимизда экан. Бошқа гуруҳларга ҳам бизни намуна қилиб кўрсатиб: «Дарахтнинг ортида ўрмон борлигини унутманг!» деди устоз.

Шохиста ШАҲОБОВА,
ЎЗМУ талабаси

МОНИТОРДАГИ ТАСВИР

ўқувчи тасаввурини кенгайтириб, фикрини теранлаштиради

Бошланғич синф ўқитувчиси Дилдора Носирова синфхонага кириб видеопроекторни ёқди. Мониторда бир оёғида турган ўрдак ва тарозининг тасвири пайдо бўлди. Ўқитувчи ўқувчиларга савол беради: «Ўрдак бир оёқда турганда вази 3 килограммга тенг бўлади, икки оёқда турганда-чи?». Болалар бирин-кетин жавобларини айта бошлади...


Бу усул ўқувчиларнинг мавзунинг яхши ўзлаштиришига замин яратиб, мантиқий ҳамда тез фикрлашга ўргатади. Шу тарзда давом этган дарс қизиқарли ва мазмунли ўтади.

«Атрофимиздаги олам» фанида ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш мавзуси ўтилаётганда ўқувчи тасаввурда ноаниқлик кузатилиши табиий. Агар педагог ҳаракатли тасвирлардан фойдаланиб, илк хонакилаштирилган ҳайвон — итга ибтидоий одамнинг суяк ташлаётганини намоён этса, ўғил-қизлар онгда мавзу ҳақида тасаввур шаклланиб, эркин фикр юртира бошлайдилар.

Ҳозирги вақтда педагог кадрларнинг ахборот технологиялари бўйича малакасини ошириш ишлари кенг йўлга қўйилган. Ҳар бир ўқитувчи ўз касбий фаолиятида компьютер технологияларидан кенг фойдаланмоқда.

— Ҳар куни бир хил услубда дарс ўтиб, ўқувчиларни зериктириб қўймаслик учун машғулотларда АКТдан фойдаланаман, — дейди Яккасарой туманидаги 135-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Дилдора Носирова.

— Бошланғич синфда болаларнинг ёши, маълумотларни қабул қилиш даражасини инобатга олиш лозим. Мавзунинг тушуниришда оддий ва кам вақт сарфланган усуллардан фойдаланиш яхши самара беради.



Тест, кундалик назорат ишларини компьютер орқали тез ва қулай ўтказиш мумкин. Шунда ўқувчи саволлар ва жавоб вариантларини ёзиб, кўп вақт йўқотмайди. Негаки, компьютерда тайёр тестларнинг жавобларини белгилашга ва яқуний баҳони чиқаришга жуда кам вақт кетади.

Ўқитувчи, ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш учун кўплаб интерфаол усуллардан фойдаланади. Масалан, ўғил-қизлардан қайси ҳайвонларни билишини сўрайди. Ўқувчилар бирин-кетин ўзлари билган жониворлар номини айтишади. Сўнгра монитorda кўрсатилган қуйидаги жадвалга қараб уларни таққослашади:

Фаолият турлари	Ёввойи ҳайвонлар	Уй ҳайвонлари
Уяси	Ўзи қуради	Одам қуради
Озиқланиши	Ўзи топади	Одам беради
Болалари	Ўзи боқади	Одам ёрдамлашади

Шу тариқа ўқувчиларнинг мавзу юзасидан билимлари бойитилади. Энг асосийси, фанга қизиқиши ошиб боради.

Фуркат АЛИМАРДОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҚЎШҚЎПИРЛИК ЎҚУВЧИЛАР

«келар замон илми»ни пухта эгалламоқда

Маърифатпарвар Маҳмуджона Бехбудий «Болаларимизга келар замон илмини ўргатайлик», дея нақадар ҳақ сўзини айтганини бутун чуқур англаб етмоқдамиз. «Келар замон илми» деганда биз бугун кўпроқ ахборот технологияларини назарда тутмоғимиз керак.

Қўшқўпир туманидаги мактабларда ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар, шу жумладан, интерфаол электрон доскаларнинг кенг татбиқ этилаётгани таълим соҳасидаги ҳайрли ислохотлар меvasидир.

— Барча фан ўқитувчиларининг компьютер саводхонлигини оширишга интиляямиз, — дейди ту-

ман ХТМФМТТЭ бўлими мудири Умид Исмоилов. — Машғулотларни АКТдан унумли фойдаланиб, қизиқарли ва мазмунли ўтиш давр талаби эканини ўқитувчиларимиз чуқур англаб етмоқда. Айниқса, мактабларимизга ўрнатилган электрон доскалар дарсларни қизиқарли ҳамда самарали ташкил этишда қўл келаяпти.

Яқинда тумандаги 24-мактабнинг зоология фани муаллимаси Жайрон Раҳметова 8-синфда «Ҳайвонот оламига саёҳат» мавзусида электрон доскадан фойдаланиб ўтган бир соатлик очик дарс кузатувчилар томонидан юқори баҳоланди. Муаллимнинг маҳорати, компьютер ва

интерфаол доскадан фойдаланиш сирларини пухта ўзлаштиргани ўқувчиларини ҳам дарсга янада қизиқтирди. Натижада синфдаги 26 нафар ўқувчининг билимлари янада бойиди.

Қувонарлиси шундаки, мактаб ўқитувчиларининг қарийб барчаси компьютер саводхонлигига эга. Бунда мактабнинг тажрибали информатика ўқитувчиси Қаҳрамон Абдурахмоновнинг хизмати катта. Хоразм вилоятининг энг чекка туманида жойлашган бу мактабдаги ўқув-тарбия жараёнининг сифати, педагоглар маҳоратини кўриб ҳавас қиласиз.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ

Хоразм вилояти

2014-yil 8-oktabr, № 81 (8730)

ЎҚИТУВЧИГА ЭЛ БАҲО БЕРАДИ

«Обрўли муаллим мақомига қандай эришиш мумкин?» (2014 йил 2 август) мақоласини ўқиб...

Баъзан давраларда, тўю тадбирларда ўқитувчилар ҳақида гап кетганда, бир қувонаман, бир кўнглим оғрийдим. Чунки биров устози ҳақида илиқ сўз айтса, бошқаси муаллимидан норози бўлиб гапирарди. Кўнглимнинг ранжиши ноўрин танқиддан эмас, шу баҳога лойиқ педагоглар ҳам борлигидан.

«Ma'rifat» газетасининг шу йил 2 август сонидида чоп этилган «Обрўли муаллим мақомига қандай эришиш мумкин?» сарлавҳали мақолани жамоамиз катта қизиқиш билан ўқиб чиқди. Ҳамкасбларим орасида қизгин баҳсга сабаб бўлди бу мақола.

Хўш, муаллим қандай қилиб обрў қозонади? Бир қарашда оддий саволдек туюлади. Аммо унга муносиб жавоб топиш учун кенг мушоҳада юритиш талаб этилади, назаримда.

Менинг ҳам мақолада келтирилган Мухиддин муаллим сингари устозларим бўлган. Улар халқнинг ҳурматига осонликча эришмаган...

билан интеграцион тарзда ташкил этиш тажрибасини катта қизиқиш билан ўргандим.

Афсуски, ёши улуг' бир ҳамкасбим дарсига аввалдан огоҳлантирмай кириб кузатишимни ҳурматсизликка йўйиб, кейинги гал тайёргарлик кўриб келишини айтди. Бу мендек ёш педагогнинг наздида жуда кулгили эди. Чунки устозларим «Бугуннинг ўқитувчиси ҳар қандай ҳолатда ҳам дарс ўтишга тайёр бўлиши керак», деб ўқитишганда.

Aks sado

Адаб қамчиси

Дехқонбод туманидаги 64-умумтаълим мактабида энди фаолият бошлаган куним. Отам ўшандаёқ ҳулоғимга қўйди: «Халол ва сидқидилдан ишла. Сенга билдирилган ишончга муносиб бўл. Сени деб яқинларингнинг юзи шувут бўлмасин». Аммо мен бу гапларни отанинг ўғлига шунчаки панд-насихати деб қабул қилдим. Ваҳоланки, отам шу даргоҳда қирқ йилдан ошқ вақт ишлаб, катта тажриба тўплаган, ўшанда ҳам директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари эди.

Илк дарсимни бошлаган эдим ҳамки, ташқаридаги шовқин бизга ҳалал бера бошлади. Чикиб қарасам, танаффусда икки ўқитувчи ўртасида бошланган шахмат баҳси дарс бошланганда ҳам давом этаётган экан. Мактаб директори ва ўринбосарлари тумандаги йиғилишга кетгани боис айрим ўқитувчилар масъулиятни ҳис этишмаётган эди. Мен ҳам «кўпга келган тўй» дебми ё ёшлим тутдим, машғулоти унутдим.

Орадан бир ҳафтала ўтиб, отам ёнига чакриди:

— Биринчи кундан нега дарсини охиригача ўтмадинг?

— ...

— Хўш, бўлажак муаллим арзирли бахона тополмаяптими?

— Ота, ҳалиги... ўша кунни ...шахмат... — дея каловландим. Елкамни қандайдир юк босди. Шунда отанинг эмас, устозимнинг қаршисида тилим айланмаётганини ҳис этдим.

— Гапларимни укмаганга ўхшайсан. Мени уялтирдинг! Эртагаёқ аризангни ёз!

Ачиқ, айна пайтда, ўринли танбехнинг захри билан тун бўйи ухлай олмадим. Тонгда отамдан кечирим сўраб, бундай ҳолатни бошқа такрорламасликка қатъий сўз бердим.



Ўрганиш айб эмас...

Орадан вақт ўтиб, тақдир тақозоси билан Нишон туманидаги 10-умумтаълим мактабига ишга ўтдим. Отамнинг ўғитларини ёдда тутиб, яхши педагог бўлишга бел боғладим. Фаолиятимни тўлақонли ташкил этиш учун кўпроқ ўқиб-изланишга, устозлардан тажриба ўрганишга тиришдим.

Бир кун бошланғич синф ўқитувчиси Ҳалима Иброҳимованинг дарсини кузатиш учун охириги партага ўрнашиб олдим. Унинг рухсатисиз дарсига кирганимдан хижолат бўлиб турганимда устоз елкамга қоқиб: «Ҳеч тортинма, ўрганиш айб эмас, бунини истамаслик айб бўлади», деди. У киши дарс ўтар экан, ўқувчиларга «болажоним», «ўғлим», «қизим» деган мурожаатдан нотаниш маскандаги таниш меҳрни туйдим.

Кейин Гулнора Баротованинг математика дарсини одобнома, она тили ва адабиёт, тарих фанлари

Шарқ алломаларининг асарларини да муаллим ва педагогика ҳақидаги фикрларни ўқирканман, замонавий ўқитувчининг бурчи ва вазифаларини теранроқ англаб бордим. Бўш вақтини зое кетказмаётган ҳамкасбларимни устозлар билан таққослайман. Улар машғулотдан бўш вақтларини ўзаро дарс таҳлилига ёки газета, журналлардаги мақолалар муҳокамасига сарфларди.

Хатолардан сабоқ олиш ҳам маҳорат

Ҳозирги замон ёшлари шижоатли ва ҳар соҳада илғор. Бундай ўқувчиларга сабоқ бериш учун дарсга руҳан тайёргарликсиз келиш, қўл учиди китоб варақлаб дарс ўтиш ачинарли, албатта. «Ma'rifat» газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Пўлат Ёқубовнинг «қўл учиди дарс ўтишдан уялиш» ҳақида ёзилгани яна бир воқеани ёдимга солди.

Ўқитувчилар хонасида ўтириб, тенгдош ҳамкасбимнинг кундалик дарс ишланмасини дарсликдан кўчиргани етмагандек, сўз ва ибораларни нотўғри қўллаб, матнда бир қанча имловий хатоларга йўл қўяётганига кўзим тушди. Унга: «Дарс — муқаддас. Моҳирона ўтилган бир соатлик дарс — буюк бир асардир», дедим. У гапларимга унчалик парво қилмай жавоб қайтарди: «Буни ким ҳам ўқиб кўрарди. Дарс баённомаси борми, бўлдида. Қолаверса, менинг мутахассислигим бошқа, она тилини билишим шарт эмас...».

Хатосидан хулоса чиқармайдиган, хато устига хато қиладиган ўқитувчилар эл орасида устоз номига доғ тушириши мумкинлигини ўйласам, ранжийман. Бундай ўқитувчилар кўп эмас, аммо бор.


Кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга Салим Турдиевнинг дарсларини кузатиб ўқувчини «сиз»лашни ўргандим. Бир кун устоз билан суҳбатлаша туриб сўрадим:

— Нега мактабда, қўнда боаларни сизлаб гапирасиз. Бу одадингизми ёки бошқа сабаби борми?

— Аввало, ҳар бир кишига «сиз» деб мурожаат қилиш одоб юзасидан, — мулоим сўз бошлади устоз. — Қолаверса, «сиз» сўзини эшитган ўқувчи ўзини улғайгандек ҳис қилади. Ўзига ишончи ортади. Баъзи ўқитувчилар «Фалончи синфдаги пистончи ўқувчининг дастидан дарсга киргим келмайди», деб нолишади. Бунга сабаб ўша тўполончи боланинг кўнглига йўл топа олмагани, қалбага йўл ширин сўз, эътибор ва меҳр орқали боришини яхши англамаганидандир. Кулоқсиз ўқувчи ҳам «сиз»лаб мурожаат этсангиз, ўз одобсизлигидан уялиб, аста-секин ёмон қилигини ташлайди.

Бу усулни тажрибамда кўп синадим ва самарасини кўрдим. Ўқувчининг ёшига қараб «болажоним», «она қизим», «аълочи ўғлим», «сиз» каби ибораларни таълим самарадорлигини оширишда ва тарбияни тўғри йўналтиришда рағбат сифатида қўлладим. Одобу ахлоқи, феъл, фазилати билан юрт ҳурмати-га сазовор бўлган обрўли муаллимлар этакидан тутдим. Зеро, эл орасида «обрўли муаллим» мақомига эришиш педагог учун энг муносиб баҳодир.

Шухрат СУБОНОВ,
Нишон туманидаги
10-умумтаълим мактабининг
математика ва информатика фани
ўқитувчиси



Нарпай тумани Дийдон қишлоғидаги 16-умумтаълим мактабида барча фанлардан ўқувчиларга чуқур билим берилмоқда. Муассаса миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, таъсирли санъат ва чизмачилик фанларини ўқитиш бўйича туманда таянч мактаб ҳисобланади.

— Бошланғич синф ўқитувчиларимиз Салима Ғаниева, Тўлкиной Қиличева, Зарифа Султонова, математиклар Гулнора Ҳайитова, Мангит Очилова, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Замира Шарипова, кимё фани муаллими Зафар Очилов ўқувчиларга фан асосларини чуқур ўргатиб келмоқда, — дейди мактаб директори Худойназар Примов. — Муассасамизда 9 та фан тўғрисида мунтазам фаолият юритапти. Бу ерда ўқувчилар билимига мустаҳкам пойдевор қўйилгани боис сўнгги уч йилда ўқувчиларимиздан 78 нафари республикамизнинг турли олий ўқув юрти-ларига ўқишга қабул қилинди.

Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Тоҳир НОРКУЛОВ
олган суратлар.



Лачак ўзбек аёлларининг бошига ўрайдиган миллий либосларидан саналади. Унинг ҳар бир ҳудудга хос алоҳида турлари мавжуд. Сурхон воҳасида лачакнинг хилма-хил кўринишлари учрайди. Хоразм воҳасида, айниқса, Ҳазорасп ва Богот туманларида кўзга ташланади. Хусусан, Карвак қишлоғи кекса аёллари бошига ўрайдиган лачак «карвакий лачак» номи билан машҳур.

Азалдан ўзбек аёллари 40 ёшга тўлганида бош ўраш маросими, яъни лачак тўйи ўтказишган. XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан бу маросимни 60 ёшга тўлганда нишонлаш одат тусига кирди. Эндиликда бу қутлуг ёшга етган онахонлар ҳам лачак тўйи ўтказишга кам эътибор бермоқдалар. Аҳён-аҳёнда бўлса-да, 70—80 ёшни қоралаган момоларнинг бош ўраш маросими учраб турибди. Онахонларнинг ушбу миллий

лар кўрик-танловга тайёргарлик асносида «Лачак тўйи» номли сахна кўриниши устида репетиция қилаётган экан.

**Онангдан меросинг лачак,
Қиз чоғингда осинг гажак,
Энди ёш давринг ўтажак.
Дўппингни эгри қўйма,
Дўппингни эгри қўйсанг қўй,
Лачакни эгри қўйма.**

«ЛАЧАКНИ ЭГРИ ҚЎЙМА»

либосни ўраш муддатини тобора кечга суришига сабаб мамлакатимизда ўртача умр кўриш кўрсаткичининг ўсиб, қолаверса, навқиронлик завқини мўлроқ тотишга иштиёқнинг ошиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин.

Лачак тўйи ўзига хос тарзда бўлиб ўтади. Қариндошлар чорланиб, ош берилади. Аёллар маросим сабабчисини давра ўртасига тўшалган гиламга ўтказиб, атрофида парвона бўлганча бош ўрашни бошлайдилар. Дастлаб пешонадан тортиб то белгача тушадиган *печ* — турумсо ташланади. Устидан елкаларини кенг босиб турувчи *халақо* ёпилади. Кейин Хоразм тахясининг манатсиз хили кийдирилади. Тахя устидан ҳар хил рўмоллар ёки матолар чирмалади. Лозим кўрган аёл ияк остида чаккага-ча *тамоқсо* тортади. Лачак чирмаб бўлингач, устидан кенг рўмол ёпилади.

Бош ўраб бўлингач, навбат лапарга етади. Кўпинча минг ойни кўрган ували-жували кампирлар лачак ўрашни ҳам, айтишувни ҳам бошлаб берадилар. Дарвоқе, Ҳазорасп педагогика коллежи қошида «Истиқлол гуллари» бадий хаваскорлик дастаси фаолият юритади. Бадиий раҳбар Ф.Отамуродов халқ кўшиқларини тўплаб, ёшларга ўргатмоқда. Биз коллежга борганимизда талаба-

Шу каби лапарларни айтишиб хумордан чиққан момолар охирида маросим сабабчисининг бахт-иқболини тилаб дуои фотиҳа қилганлар.

Лачакнинг салобатлилиги фарзандлар сони билан боғлиқ, деган қараш бор. Момолар ўғил-қизлари қанча кўп бўлса, лачакни шунчалик баланд қилиб ўрашган. Тадқиқотчиларнинг сурхоний лачаклар борасида ёзишча, бу воҳа момолари насл поғоналарига қараб лачакнинг баландлигини оширар экан. Масалан, неварали кампир мазкур бош либоси устидан икки йўл, чеваралиси эса уч йўл қилиб белбоққа ўхшаш ўрам ёки чилвир тангиган. Хоразмда эса лачакнинг баландлиги, боя айтганимиздек, аёлнинг серфарзандлигидан дарак беради.

Лачак ўраган аёл шамоллаш, менингит, ангина, қулоқ огриғи каби касалликларга кам чалинишини шифокорлар ҳам тасдиқлаган. Албатта, миллий кийимларнинг жозибаси, фойдали хусусиятлари кишини ўзига жалб этади. Улар орасида лачак ҳам ноёб либос сифатида ҳали кўп замонлар нигоҳларни ҳайрат билан равшанлаштириб турғуси.

Эрпўлат БАХТ

Хоразм вилояти

АСРЛАРДАН СЎЗЛОВЧИ НОЁБ ТОПИЛМА

Жомбой туманидаги Кўнғирот маҳалласи ҳудудида ўтган йили илк ўрта асрларга оид сопол буюмларни пиширишга мўлжалланган хумдон топилган эди. Олимлар томонидан мазкур тарихий аҳамияти юқори бўлган объект очиб ўрганилганда, унинг илмий жиҳатдан пухта ўйлаб қирилгани ва аждодларимизнинг илм-фан жабҳасида илғор бўлишгани яна бир маротаба исботланди.

Хумдон оловхонаси ва унинг том қисми археологик жиҳатдан бут ҳолда сақланган. У икки қаватли бўлиб, ўтхонаси, хилновлари ва ўтин солишга мўлжалланган йўлакчаси уч қаторли хом гиштдан терилган. Маълум бўлишича, аввал хумдоннинг ўтхонаси қазилиб, сўнгра пол сатҳидан икки метр баландликдан бошлаб хом гиштар ёрдамида ёпилган ва хилновлари ҳосил қилинган. Ўтин солиш йўлакчалари усти ва ўтхонанинг оғзи ичкарига торайтириб териш орқали ёпилган.

Ўтхона диаметри бир ярим, чуқурлиги икки метрни ташкил қилади. Деворлари 5-6 см бўлиб, олов таъсирида кучли куйганлиги хумдондан узоқ вақт мобайнида фойдаланилганини кўрсатади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёда VI—VIII асрларда икки қаватли айлана шаклдаги ёки пишириш хонаси алоҳида бўлган хумдонлар кенг тарқалган экан. Жомбой тумани ҳудудида очиб ўрганилган хумдоннинг илмий таҳлилидан келиб чиққан ҳолда куйидагиларни хулоса қилиб айтиш мумкин. Бошқа ёдгорликлар билан қиёсий таҳлил қилинса, бир нечта фарқлари маълум бўлади. Биринчидан, Сўғдиёна ҳудудида дастлабки бронза даврида пайдо бўлган икки қаватли хумдондан фойдаланиш илк ўрта асрларда

ҳам давом этган. Иккинчидан, Сўғдининг ҳар бир ҳудудида ўша даврларда марказлашган кулполчилик ривожланган. Учунчидан, Жомбой туманида топилган хумдон умумий ҳажмининг кичик эканлиги ўша қишлоқ аҳолиси учун унумли хизмат қилганидан далолат беради.

Сўғдиёна ҳудудида қадимги, яъни бронза даврига оид илк сопол пишириш хумдонлари Замонбобо ёдгорлигида қайд қилинган. А. Исаков томонидан

Moziydan sado

Саразм ёдгорлигида ҳам хумдон очиб ўрганилган ва у икки камерали бўлиб, илк бронза даврига оид эканлиги аниқланган. Милоддан аввалги биринчи мингйилликнинг ўрталарига тегишли икки қаватли хумдонлар археолог олим И. Иваницкий томонидан Сартепа манзилгоҳидан топилган. Ерқўрғон ёдгорлигининг антик ва илк ўрта асрларга оид қатламларида икки қаватли хумдонлар қайд қилинган. Самарқанддан жанубда жойлашган Қофир-қалъа ёдгорлигининг кулполчилик мавзеси ҳудудида ҳам икки қаватли хумдон очиб ўрганилган.

Кўхна заминимиз ноёб ёдгорликларга бой. Уларни кашф қилиб, юртимиз ва дунё аҳлига маълум қилиш учун қанча заҳмат чексак, арзийди.

Комил РАҲИМОВ,
Мўминхон САИДОВ,
ЎзРФА Археология институти
илмий ходимлари

ҲАР ТУЛҲУҲТ ЧАМАҲУ ЎЗУТА ҚАДРОДУҲ

Қайсидир шахару қишлоқ, овулу гузар ҳақида гап кетганда, аввало, номига аҳамият берилади.

Мен Фаллаорол туманидаги 10-умумтаълим мактабиде география фанидан дарс бераман. Қишлоғимизнинг номи — Кўйтош. Бир-бирига туташ баланд тоғлари, шаффоф булоқларию бепоеён йилваларининг кўпчилиги билан ажралиб туради. Тоғ оралиқларида бог-роғлар яратилиб, деҳқончиликдан юқори ҳосил олинади. Бу эса қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи йилдан-йилга фаровонлашиб бораётганидан далолат беради.

Мактабимизда яхши бир аънава бор. Биология, география каби табиий фанларнинг айрим мавзуларини қир-адирларда ўтамиз. Ўқувчилар бундай саяхатдан завққа тўлиб, ҳаяжонга тушадилар. Она қишлоғимизнинг бетакорор ва сўлим табиатидан баҳраманд бўлган

ўқувчилар ижод оламига шўнғишади.

Афсонавий Қорақуш ва Хонтоғи қоялари бўйлаб пиёда юрсангиз, кўнглингизни бироз ҳадик ва хавотир эгаллайди. Чунки афсона ва ривоятлар макони бўлмиш баланд харсангошлардан юриш осон эмас. Аммо бу қоялар оралиғидаги мўъжаз маскан табиати олдида унча-мунча мусаввир ип эшолмайди. Мана шу гўзал ва жозибадор манзарга боқиб, кўзи тўймаётган ўқувчиларим: «Устоз, қишлоғимизнинг номи нега Кўйтош?», — дея савол беради. Биргаликда жавоб кидирамиз.

Тилдан-тилга кўчиб юрган ривоятга кўра, бу ном бир чўпон йигитдан ёдгор экан. Қадим замонларда бир сеҳрар киз ўзига ёққан нарсаларни гулга, кўнглига

Tabiat va biz

хуш келмаганини тошга айлантириб кўяр экан. Фазабга минганида боғу бўстонларни қовжиратиб, таскин топаркан.

Кўнларнинг бирида у тоғ ёнбағрида сурув боқиб юрган чўпон йигитни учратибди. Сеҳрар киз чўпонга меҳри тушганини, уни ўзига қайлиқ қилиб танлаганини айтибди. Йигит эса: «Гарчи чироида тенгсиз бўлсанг ҳам, сенда инсоний туйғулар йўқ», дея таклифни рад этибди. Фазабланган сеҳрар бир зумда чўпонга қўшиб, бутун сурувни ҳам тошга айлантириб қўйган экан. Бу бир ривоят. Лекин тоғ бикинидан оқиб ўтувчи Чуқурсой, Толлисой ва Каттасой қоятошларни силлиқлаб, турли шакллarga сол-



ганига гувоҳ бўлиш мумкин. ЎзРФА муҳбир аъзоси И.Хамроевнинг саяёҳаракати билан 1952 йили Кўйтош қони аниқланган, бу ерда мўъжаз шахарча қад ростлади. Уй-жойлар, маиший хизмат уйлари, маъмурий бинолар ва кўплаб таълим муассасалари қурилди. Айни пайтда бу ерда 5000дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 3та мактаб, 2та МТМ ва кўплаб савдо шохобчалари, маиший хизмат объектлари халқ хизматида. Шу маскан сувини ичиб улғайган олимлар, санъаткору арбоблар ва халқ таълими фидойиларини қишлоқ

аҳли ҳамиша фахр билан тилга олади. Улар ёшлар учун чинакам ибрат намунасидир.

Ҳар гулнинг чамани ўзига қадрдон. Қишлоғимиз аҳли учун ўз диёрининг тоғу тоши, гиёҳу жилғаси азиз ва мўътабар. Маҳобатли қоялар, кенг йилвалар, ҳайвонот ва наботот оламининг хилма-хиллиги қўйтошликларнинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Аваз ИСМОИЛОВ,
Фаллаорол туманидаги
10-умумтаълим
мактабининг
география фани
ўқитувчиси

2014-yil 8-oktabr, № 81 (8730)

Танишимнинг тўйига бордим. Ҳамма йигилган. Келин-куёвни тўрга кузатиб, ортимга — панароқ жойни мўлжаллаб қайтарканман, тўсатдан бир мезбон опа қўлимга битта белбоғ тутиб кетди. Атрофга алангладим: мен тенгқур йигитлар белбоғларни бир-бирига улаб, бошқалари эса белларига бойлаб ўйнаб кетса, денг! Бир муддат нима қилишимни билмай жим турарканман, биров ўйна дегандек имлади, қолганлари эса менинг бу ҳолатимдан таажжубланар, ёнидагиларни туртиб, беғоналигимга шаъма қиларкан, навқар йигит секин туртиб-да, шипшитди;

— Қани, меҳмон, белбоғнинг кучини бир кўрсатинг-чи?

— Нима қилай? — деганимни билман, биров даврга суриб юборди. Қарасам, аҳвол чатоқ — кўёвбола хафадек. Удуми шундайди, деган ўйда белимга белқарсин қистириб ўйнаб юбордим.

...Уш воқеа кўз ўнгимда гавдаланса, бу ҳақда суҳбат тайёрлайман, деб кўнглимга тугиб юордим. Ҳақиқатан, ўзбек халқининг урф-одатларида муҳим урин тутувчи белбоғ рамзи тўғрисида ҳамма ҳам батафсил маълумотга эга эмас. Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнида миллий анъаналарга таъйинлар миллий ўзига хослигини емирилишига олиб келмоқдаки, уларни бус-бутун келгуси авлодга етказиш долзарб вазибалар сирасига кириб бораётир. Шу маънода Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти тадқиқотчиси Шаҳодатбону Имомназарова билан қилган суҳбатимиз белбоғ хусусида бўлди.

— Ҳар бир миллий детал замирида инсонийлик, қадр-қиммат, орият сингари тушунчалар бор. Биргина белбоғ ҳам халқимизнинг бебаҳо миллий детал хисобланади. Белбоғ билан боғлиқ анъаналар қайси даврга оид халқ фольклорларида учрайди? Бунинг асосий сабаби нимада?

— Кўпни кўрганларнинг суҳбатига диққат билан қулоқ тутсангиз, "Белбоғи бор эр йигитнинг бели бақувват бўлади" ёки "Белингдаги белбоғнинг бўшамасин" каби ибораларни тез-тез эшитасиз. Дарҳақиқат, белбоғ азал-азалдан мардлик, орият, жасурлик тимсолига айланган. Эр йигитнинг жумардлиги белидаги белбоғига қараб баҳоланган. Ҳатто миллий спорт ўйинларимиздан бири "Белбоғли кураш" деб аталиши бежиз эмас.

Йигитлик мавсумига қадам қўйган ўсмирларнинг белига отаси ёки тоғаси "Илоҳим, белинг бақувват бўлсин!" деган яхши ният билан шойи белбоғи бағлашда ҳам ана шу маъно муҳассас. Зеро, мамлакатимиз худудига қратилган улкан ёзма ёдгорликлардан бири — "Авесто"да ҳам бола 15 ёшта тўлганда махсус "Белбоғ боғлар" маросими ўтказилганлиги ҳақида маълумот берилади. Бу эса белбоғ билан алоқадор удумларимиз тарихи ғоят қадимийлигини далolatлар.

Белбоғ қадимдан йигит қуввати, куч-қудрат, бой-бадавлатлик ва хотиржамлик тимсоли саналиб келингани боис никоҳ тўйи расм-русумларида ҳам раамзий моҳиятига алоҳида эътибор қаратилади. Айтайлик, кўёвга аталган бўғча ичида чопон, дўппи ва белбоғнинг бўлиши кўёвнинг зиммасига катта масъулият юклаши, бир рўзгорнинг боши бўлганига ҳам ишорадир.

— **Халқ оғзаки ижодида белбоғ ҳақида турфа хил қўшиқ, лапарлар кўп. Бу, айниқса, никоҳ маросимларида ўзгача янграйди. Белбоғни муҳим белги, ишора сифатида қўлайдиган жойлар ҳам мамлакатимизда талаягина. Бунинг худудий ўзига хосликлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Тўғри, белбоғ тўғрисида мингта қишлоққа кирсангиз, мингта удум эшитасиз. Сабаби, улар халқ характериға шу қадар ўйгуллашиб кетганки, ҳатто белбоғга қараб кишининг мақсадини билиш мумкин. Мисол учун, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида қизик бир удум бор. Кўёв томондан қизга совчи юборилаётганда йигитнинг бобоси ёки отаси галдон, пухта совчиларнинг белига белбоғ — белқарсин каттиб боғлайди-да, унга "Қиз отасини бўшатмасдан қайтма" деб жўнатади. Қиз хонадонига борган совчи ўтириб, гап бошлаш асносида белидаги белқарсини аста-секин бўшатиб кўяр экан. Баъзан бу ҳаракатни кўрган қизнинг отаси ё онаси хижолатга тушиб, ўнғайсизланар, кўёв ўзларига ҳам маъқул бўлса, розилик беришни қўзиб ўтирмас экан. Шу ерлик одамларнинг ўйлашларица, белбоғ ечилса, қиз томон ҳам секин-аста "бўшашиб", қудалашига рози бўлармиш. Воқеада яна бир удумга дуч келамиз. Андижонлик совчилар қиз хонадонига олиб борадиган совға-саломларни орасига битта қичкина оқ тугунча ҳам қўшиб қўядилар. Унинг номи "Шайтон оралам". Бу оқ тугунча "Қудалашаётган икки оила орасига совуқлик



да биз ҳам кўёв бўлайлик деган маъно мужассам. Йиртилган белбоғ энг олғир кўёвжўрага берилади.

— **Белбоғнинг раамзий маъноси — ошиқлик, бардамлик, ғам-ғусса, азадорлик. Бу қандай тутумлар асосида келиб чиққан?**

— Халқ қарашлари ва анъаналарига кўра, белбоғ кўёвликнинг асосий белгиси саналади. Замонавийлик қанчалик ҳаётимизга сингиб бораётган эса-да, барибир кўёв образини белбоғсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам халқ қўшиқларида белига адрас белбоғ боғлаган ўқтам йигит — кўёв шундай тасвирланган:

Кўёв келди гул билан,
ёр-ёр-ёроне,

ОРИЯТ ТИМСОЛИ

Сочлари сумбул билан,
ёр-ёр-ёроне.

Адрас белбоғ белида,
ёр-ёр-ёроне,

Кўйнида булбул билан,
ёр-ёр-ёроне.

Шу ашуладан ҳам билиш мумкинки, азал-азалдан кўёв либосида белбоғнинг ўрни муҳимлиги ўз аксини топган.

Маълумки, Шарқ аёлларининг муҳаббати пинҳоналиги билан гўзалдир. Аждодларимиз ўз муҳаббатларини юракларининг тубида асрашлари баробарида турли раамзлар орқали қалб кечинмаларини аён қилиб қўйишган. Айнан мана шу тутум қизнинг муҳаббати нишонасидир. Хусусан, қизлар ўзларининг севган ёрларига атаб белбоғ тикишган. Бундай белбоғлар учун асл, сара матолар танлаб олинган. Турли безаклар, гуллар ила безатилган белбоғларга ишқ-муҳаббат, меҳр, самимиёт, садоқатни таранум этувчи гўзал ишқий байтлар ҳам нақшлар воситасида битилган. Сайил-томошалар, Наврўз ва ҳосил байрамларида севилган ёшлар бир-бирларига турли совға-саломлар йўллашган ва улар орасида айнан нақш солинган белбоғлар икки ёшининг турмуш қуриб бир-бирларига етишишига ёрдам берган. Йигитлар ёш болалар орқали ўзлари кўнгил қўйган қизларга турли ширинликлар, рўмол ва бошқа ҳадялар юбориб ошиқлигини билдиришган, қизлар янгалари орқали унаштирилган йигитига дўппи, белбоғ тақдим этишган.

Халқимиз орасида қадимдан урф бўлган бу анъана қўшиқларда қуйидаги таранум этилади:

Дарё тўлиб оқади, ахси билан,
ўйнаб кулаверинлар,

яхши билан.
ўйнаганда, қулганда яхши бўлар,
Белбоғ тикиб беради,

нақши билан.

Сурхон воҳасида ҳам илгаридан қиз бўлажақ ёрига атаб чопон, белбоғ, дўппи тиккан. Бу либослар тўй куни кўёв қизни ўйига олиб кетиш учун келганда ўтказиладиган «кўёв кийинтирар» удуми чоғида кўёвга кийгизилади. Халқ қўшиқларида қуйидагича қуйланган:

Белқар тикай, ёримга деб,
Бели қувватли бўлсин деб.

Сув келтирай, ёримга деб,
Сувдай тиник бўлсин деб.

Хоразм воҳаси никоҳ тўйларида "белбоғ ечар" деб аталувчи ўзига хос аҳойиб удум бўлган. Белбоғ қадимдан эркак кучи, қудрати ва баҳодирлигининг тимсоли ҳисобланганлиги учун ҳам кўёв йигитнинг белига боғлаётганда каттиқ қисиб тугилган. Бу кўёвнинг оила бошлиғи, яъни эр бўлганлиги, унинг куч-қувватга эгалиги, ёвуз қулар, ёмон қўз, суқ-назардан ҳимояланганлиги ҳам ишорадир. Анъанага кўра, кўёв белбоғи тўй куни янгалар томонидан

ечилиши керак. Ечиш мушкул бўлсин учун ҳам кўёвжўралар белбоғни маҳкам боғлаганлар. "Белбоғ ечар" удуми келин билан кўёвнинг ҳаёт йўли боғлансин, қийинчиликлар бартараф бўлсин, барча тугунлар ечилсин деган раамзий маънони аланглатган. Янгаларнинг сўзга чечан, уddaбурун ва чакқонроғи кўёвнинг белбоғини ечаётганда кўёвжўралар:

Кела қолинг, янгажон,
Еча қолинг, янгажон!
Белбоғ ечолмасангиз,
Танга сочинг, янгажон! —
деб қўйиқ айтишган.

Миллий либосларимиз туркий ва Шарқ халқларининг қадимги маданиятидан бошлаб ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Хусусан, белбоғнинг пайдо бўлиши жуда кўп ривоят ва анъаналар билан боғлиқ. Халқ мақоллари ҳам саломлики. Айнан ўзбек фольклорига — ўлан ва айтишуварларда қаҳрамон ё ошиқ йигит кўп ҳолларда белбоғ билан тасвирланади. "Белида белбоғи бор" тушунчаси йигитнинг балоғат ёшига етганини билдиради.

Белбоғ — ошиқлик, бардамлик, қаҳрамонлик, муайян мушкул вазица, қийин ишларни бўйнига олиш раамзларини ифодалайди. Минг таассуфки, бугунги кунда белбоғ боғлаш сахнавий талқунда, тўй ёхуд ғам-ғуссага ботиш, азадорлик сифатидагина яшаб келмоқда.

Белбоғ боғлаш асосан эркакларга хос бўлиб, уни фақат муайян бир маросим, масалан, тўй ёки азада эмас, бошқа пайтларда ҳам боғлаб юриш фойдадан холи эмас. Кайковуснинг "Қобуснома" асарида "белбоғ боғлаш" деб аталган фасл мавжуд. Унда белбоғ асосан жавонмардлар белгиси сифатида талқин этилади. Ҳатто белбоғни қандай боғлаш, қандай шакл ва рангдагисини танлаш, шунингдек, унинг турли хил раамзий-тимсолий маънолари ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Мамлакатимизнинг айрим худудларида белбоғ "белқарс", "қийлик", "қийқача", "рўпакча" деб ҳам аталади. Белбоғ белга боғланишидан ташқари, айрим нарсаларни бир-бирига боғлаш, масалан, сепоя-талтайларни боғлаш, нон ва бошқа егуликларни тугиб олишда ҳам ишлатилади. Айрим худудларда бу удум ҳалигача сақланиб қолган. Эҳтимол, қанд-курсни қийқачага тугиб, қудалар томонидан келин ёки кўёвга юборилиши келгусида тўкин-сочин, бахтли, ширин умрғуздорлик қилишига ҳам бир ишорадир.

— **Маълум бўлишича, бугунги замонавий тиббиёт белбоғнинг тиббий аҳамияти юқори эканини исботлаган. Шу маънода белбоғнинг ҳам жисмоний, ҳам дидактик хусусиятлари ёш авлод тарбиясида муҳим. Белбоғ жароҳатга боғлашди, оилапарварлик, масъулиятни оширади...**

— Физиологлар бел соҳасини инсон организмидида асосий таъин нукта деб билишади. Барча ҳаётий қушлар — энергия бел қисмдан тақсимлангани учун донишманд ота-боболаримиз ҳамма белбоғни белидан қўймаганлар. Бунга ҳар бир инсон ҳаётда сибаб қўриши мумкин. Бел сиқиб боғланганда инсон ўзини бардам тутта боғлайди. Оғир атлетика билан шуғулланувчи спортчиларни кузатсак, ўзига хос белбоғ таққанларининг гувоҳи бўламиз.

Қадимий анъаналарга кўра, белбоққа — ёвуз қулардан асраш воситаси деб ҳам қаралади. Бел боғланганда кишининг танаси ташқи қушлар таъсиридан мағик доира воситасида ҳимоя қўйиб ҳосил қилади. Шунинг учун белбоғи бор кишига суқ назар ёки ёвуз қушлар таъсир кўрсатолмайдиган, деб ишонилган. Илгари аёллар кўзи ёриганда чақалоқнинг атрофини белбоғ билан айлантириб ўраб қўйиш одатининг маъноси ҳам ана шундайлар.

Белбоғ асрлар мобайнида орият, куч-қувват, баҳодирлик ва жасурлик тимсоли сифатида йигитларнинг гурурини қўлларга қўтариб келган. Шундай экан, ўз юртининг ҳар қарч тупроғини муқаддас билган, оила кўрғонини қўқрагини қалқон қилиб асраган ҳар бир йигитнинг белида белбоғи бўлсин!

Олимжон ЖУМАБОВ
суҳбатлашди.

Инглиз тилидан
Ҳамида УСМОНОВА
таржимаси.

2014-yil 8-oktabr, № 81 (8730)

ХАЙВОНЛАР СОНИ 50 ФОИЗГА КАМАЙДИ

Жаҳон ёввойи табиат жамғармаси (WWF) маълумотида қайд этилишича, 1970 йилдан 2010 йилгача бўлган даврада табиий муҳитда ёввойи ҳолда яшовчи қушлар, бақлар, сут эмизувчилар, судралиб юрувчилар ҳамда сувда ва қуруқликда ҳаёт кечирувчи жонзотларнинг умумий сони 52 фоизга қисқарган. Олимларнинг сўзларига кўра, мазкур маълумотлар бундан ҳам олгирроқ бўлиши мумкин.

Жаҳон ёввойи табиат жамғармаси мутахассислари томонидан «Global Footprint Network» жамғармаси ҳамда Лондон зоология жамияти билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқотларда 3,43 минг умуртқалилар популяцияси ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинди.

У ёки бу тур популяциясидаги ўзгаришларни аниқлаш учун WWF мутахассислари “жонли сайёра” индекси (глобал биохимия-хиллик индикатори) усулидан фойдаланишди. Маълум бўлишича, энг кўп чучук сувда яшовчилар популяцияси зиён кўрган. Уларнинг сони ўтган қирқ йилдан ошди 76 фоизга камайган. Ер устида денгиз жониворлари миқдори эса 39 фоизга камайган.

Шунингдек, Ер сайёрасининг айрим минтақалари кўпроқ жонли табиат намуналаридан айрилган бўлса, баъзи ҳудудларда зиён нисбатан камроқ. Масалан, Непал ҳудудида яшовчи шерлар сони 100 мингтадан 3 мингтагача қисқариб кетган. Ғарбий Африкада эса ўрмонларнинг кесилиши оқибатида ўрмон филлари истикомат қилувчи майдонлар бор-йўғи 6-7 фоиз қолган.

Шу билан биргаликда, «Science» журналида эълон қилинган халқаро олимлар гуруҳи баёнотида келтирилишича яна 33 фоиз хайвон турлари буткул йўқолиш арафасида турибди.

Таъкидлаш жоизки, ҳайвонот оламидаги бу кabi улкан йўқотишларга асо-



сан инсон фаолияти, ўрмонларнинг кесилиши, табиий майдонларнинг ўзлаштирилиши, аτροφ-муҳитнинг ифлосланиши сингари кўплаб омиллар сабаб бўлмоқда. Лондон зоология жамияти раҳбари Кен Норриснинг қайд этишича, мавжуд вазиятни ўнгатиш учун ҳали ҳам имкон бор.

ЯНГИ ТРАНЗИСТОР ЭНЕРГИЯНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

АҚШнинг Техас университети олимлари электрон қурilmаларнинг узок вақт автоном тарзда ишлашига хизмат қилувчи янги турдаги транзисторлар лойиҳасини ишлаб чиқди. Улар транзисторларга электр энергиясини назорат қилишни “ўргатишди”.

“Nature Communications” электрон нашрининг қайд этишича, олимлар гуруҳи транзисторларга филтёр ролини бажарувчи бир атом қатламидидаги махсус хром оксиди қатламини жойлаштиришди. Унинг асосий вазифаси кам энергия сарфлаган ҳолда кўпроқ ахборот сигналларини тарқатишдан иборат. Ахборот ўтказувчанлиги эса одатдаги транзисторларга қараганда 6-7 марта ортани кузатилади.

Лойиҳа муаллифларининг қайд этишича, мазкур технология асосида ишлаб чиқарилган транзисторлар арим ўтказкичлар соҳасида катта ўзгаришларга сабаб бўлиши шубҳасиз. Чунки бир атом қатламидидаги ички соғутиш тизими кучсизлиги боис хона ҳароратида осонгина иссиқлик шовқинига айланиб, илгаш қийин бўлган квант сигналларини ҳам қайд этишга хизмат қилади. Транзистор самардорлигини бир неча мартабага оширади.

Янги транзисторларнинг яна бир устуллик жиҳати шундаки, ундаги қатламлар одатдагидек горизонтал эмас, балки вертикал ҳолатда жойлаштирилган. Бу эса транзисторлар ҳажмининг кичрайишига хизмат қилади.

Манзура ВАЛИЕВА тайёрлади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети минералогия ва касба уюшма қўмитаси геология факультетининг «Геохимия, минералогия ва петрография» кафедраси мудири Ақром Умаровга турмуш ўртоғи

Мохсира МЕЛИБОВЕАнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2015-2016 ўқув йилига умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун ўқув фанлари бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида қуйидаги муаллифлар ўртасида 1-, 4-, 5-синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2015-2016 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТАНЛОВ АСОСИДА ЯРАТИЛАДИГАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК КОМПЛЕКСЛАР РЎЙХАТИ

Такдим этилган дарслик ва методик қўлланма номи	Синфи	Муаллифларнинг Ф.И.Ш.	Тохирён Абдуллохи Шерализода
Атрофимиздаги олам	1	Толипова Жамила Олимжоновна, Тиллабоева Муҳаббат Нигматовна, Ҳужаева Муҳаррам Идрисовна	Авазова Зулхумор Ботировна
		Ахмедова Назира Турсуновна, Бахромова Акбар Далабоевич	Юнусалиева Абиба Анарбаевна, Тойчубаева Айсулу Маматбековна
		Маматова Одинахон, Ҳақимовна Наргиза Абдурашитовна, Садиқова Нигора Муқимовна, Вахасова Нигора Хошимжоновна	Темирова Махбубахон Алибековна, Мадбаева Данахан Мамадалиевна
		Сатторова Ҳадижа Жабборовна, Муслимова Шахноза Ерқиновна	Юсупова Фотима Сайдуллаевна, Дустов Норкул Худайбердиевич, Абдурахманов Абдулахат Сафарович, Асанов Бектемир Зулпанович
Русский язык	4	Исломов Дилором Асатуллаевна, Тураханова Моҳира Джурбаевна	Авазова Зулхумор Ботировна
		Юлдашева Мавжуда Мамаджоновна, Ахмедова Махфуза Содиковна	Юнусалиева Абиба Анарбаевна, Тойчубаева Айсулу Маматбековна
		Сергеева Наталья Исаковна, Азимов Жасур Екубонович	Темирова Махбубахон Алибековна, Мадбаева Данахан Мамадалиевна
		Исламбекова Санаат Юлдашевна, Яминова Умида Туйчиевна	Юсупова Фотима Сайдуллаевна, Дустов Норкул Худайбердиевич, Абдурахманов Абдулахат Сафарович, Асанов Бектемир Зулпанович
Русский язык	5	Каримова Муҳаббатхон Назировна, Маматисаева Гузал Мадамжоновна	Авазова Зулхумор Ботировна
		Рожнова Марина Эдуардовна	Темирова Махбубахон Алибековна, Мадбаева Данахан Мамадалиевна
		Сергеева Наталья Исаковна, Азимов Жасур Екубонович	Ералиева Гульбайра Аббасовна, Зулпихарова Айнура Анваржоновна
		Мусурманова Юлия Юрьевна	Юнусалиева Абиба Анарбаевна, Тойчубаева Айсулу Маматбековна
Алифбе (қозоқ тилида)	1	Абдураимова Зулфия Хайтовна	Юсупова Фотима Сайдуллаевна, Дустов Норкул Худайбердиевич, Абдурахманов Абдулахат Сафарович, Асанов Бектемир Зулпанович
		Корчуганова Оксана Анатольевна	Авазова Зулхумор Ботировна
		Каримова Муҳаббатхон Назировна, Маматисаева Гузал Мадамжоновна	Темирова Махбубахон Алибековна, Мадбаева Данахан Мамадалиевна
		Умаров Махкамбай	Ералиева Гульбайра Аббасовна, Зулпихарова Айнура Анваржоновна
Ўзбек тили (тожик тилида)	1	Акмал Нисанбаева Калдибаевна, Нишанова Гульнора Амировна, Салибаева Динара Исабаевна	Хўжақулов Сирожиддин Холмаҳмадович, Тоҳирён Зебунисо Буходирова, Шамсиддинова Доно Ҳакимджановна
		Умаров Махкамбай	Чориев Таваккал Равшанович
		Акмал Нисанбаева Калдибаевна, Нишанова Гульнора Амировна, Салибаева Динара Исабаевна	Очилова Майрам Шариповна, Саидова Гулжон Ҳамроевна
		Эшонқулов Жуманазар Шайбанович	Ахмедова Фарид
Ўзбек тили (тожик тилида)	1	Саноева Гулсара Қурбонова, Жумаева Обида Саидмуратовна, Саидова Гулжон Ҳамроевна	Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида ўтказилади.
		Ҳамроев Жумакул, Хўжақулов Сирожиддин Холмаҳмадович, Тоҳирён Зебунисо Буходирова, Шамсиддинова Доно Ҳакимджановна	Танловда иштирок этувчи муаллифлар гуруҳлари тайёрлаган дарслик ва ўқув-методик комплексларнинг тўлиқ ишланган нусхалари ва ҳужжатларини 2015 йил 5 февраль кuni Тошкент вақти билан соат 14:00 га қадар Тошкент ш. Фурқат кўчаси, 174-уй манзили бўйича Республика таълим марказига топширишлари лозим.
		Эшонқулов Жуманазар Шайбанович	Танловда қатнашаётган муаллифлар гуруҳлари танлов ҳужжатларини 2014 йилнинг 8 октяб-ридан бошлаб ҳар кuni (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин:
		Саноева Гулсара Қурбонова, Жумаева Обида Саидмуратовна, Саидова Гулжон Ҳамроевна	Тошкент ш. Фурқат кўчаси, 174, Республика таълим маркази.
Ўзбек тили (тожик тилида)	4	Хасанова Кибриё, Абдуқодирова Рухсона Бахриддиновна	Мурожаат учун телефон: 227-04-12; 245-18-50.
		Азимов Юнус Юсупович, Умаров Зариф Латифбоевич	Танлов ҳужжатлари иштирокчиларига бепул берилади.
		Эшонқулов Жуманазар Шайбанович, Мирзаева Дилноза Жўраевна	Танлов тақлифлари 2015 йил 6 февраль кuni соат 15:00 да барча иштирокчилар вакиллари иштирокчида очилади. Танловга кечикиб топширилган тақлифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.

УСТОЗ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Мақтаб йилларим... Косон туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги мактаб-интернатнинг 9-синфида ўқийман. Синф раҳбаримиз Раҳима Сиронова тарих фанидан дарс берар, ўқувчилар уни бирдек ҳурмат қилар, бу фанга қизиқишимиз юкори эди. Устоз ва мураббийлар байрами арафасида муаллимимизга совға олиш учун ўзаро масхатлашаямиз.

— Эртага байрам, дарс тўлиқ ўтилмайди, — деди билагон синфдошим Азиз. — Тарихдан уйга вазифани бажармай келаверинглар!

— Зўр бўларди-да, устоз ўқишга кўп нарсаси берган. Шунча ўқисам ҳам, қани, миямга бирор нима кирса, — деди Бунёд.

— Келинлар, совғани устознинг дарсига мўлжаллаб олиб келамиз. Бирма-бир тилак айтганимизча дарс вақти тугайди, — дедим мен ақллилик қилиб.

Таклифим ҳаммага ёқиб тушди. Эртасига совғани олиб келсак, дарс аллақачон бошланган экан. Негадир хона сув қуйгандек жимжит, ҳаммамнинг боши эгик.

— Ассалому алайкум, устоз! Кирсак майлими?

— Бобур, уйга вазифани бажардингми? — деди устоз саломимга алик ҳам олмасдан.

— Й...й...йўк, — дедим мен тутилиб. — Бугун байрам, шунга... Бу сизга, — дея совға ва гулли устознинг столига қўйдим. У киши индамади, совғага қарагиси ҳам йўк.

— Бунёд, келажакда ким бўлмоқчисан? — дея юзланди Раҳима опа синфдошимга.

— Қўшиқчи, — деди у костюмининг ёқасини тўғрилай.

— Уй вазифасини қилмабсан. Майли, бугун байрам бўлса, устозлар ҳақида қўшиқ айтиб берчи!

Бунёд хижолатдан қип-қизариб кетди.

— Устоз ҳақида қўшиқ билмайман-да, — деди аранг.

— Нима билсанг, шуни айт! — деди устоз.

**Керак эмас
шаҳло кўзларинг,
Керак эмас
сунбул сочларинг.**

**Қалбим учун кифоя сенинг
Ширин сўзларинг.**

Хонада пиқир-пиқир кулгу овози эшитилди. Қўшиқни диққат билан тинглаган устозимиз:

— Менга эса сенинг совғанг эмас, яхши ўқиганинг муҳимроқ! Овозинг яхши экан-у, лекин бу қўшиқ сенга тўғри келмайди.

Ҳамма барабарига қулиб юборди, хонадаги ноқулайлик ҳам тарқалди.

— Устозлар ҳақида қўшиқ ёдлагин.

— Хўп бўлади, — деди Бунёд.

Бу йил мактабни битирганимизга ўн йил бўлди. Йиллар ўтгани сари биз — собиқ ўқувчилар ўқитувчи учун энг аjoyиб совға пухта билим эгаллаш эканлигини англаб етмоқдамиз.

Бобур МҲМИНОВ

Устозлик ҳам машаққатли, ҳам шарафли касб, юсак мақомдир. Биз ким ҳам бўлардик уларнинг таълими, ғитисиз. Илк бор қўлимиздан тутиб ёзиш, ўқишни ўргатган бу муътабар инсонлар олдида бир умр бошимиз ерга теккунча таъзим қилсак, арзийди. Айниқса, жамиятда ўз ўрнини топишга уришишимда тарих ўқитув-

етишмовчилик сабабидан репетиторга қатнашни тўхтатса, уларни қақриб: "Ўқиб, бир кун ўз йўлигни топсанг, шу мен учун мукофот" дерди.

... Дастлабки йили ўқишга қиролмай, устозларим кўзига қарашга уялиб юрганман. Чунки улар берган билимини оқлай олмадим, деган ўйда эдим. Бир куни йўлда кетаётган у-

ни менда кўргандир. Ёки келажакда яхши журналист бўлишимга ишонгандир.

Шўхрат ака баъзида жаҳли чиқиб, бизга танбех берган пайтлари ҳам бўлган. Аммо бу бир неча дақиқа давом этарди, холос. Бировнинг дилини огритишини истамган устоз вазиятни ўзгартиришга уринар, синфхонадан ҳеч кимнинг ран-

СЕҲРЛИ СЎЗЛАР

чим Шўхрат Ботиров-дин миннатдорман.

Аслида, журналистикага меҳр кўйишимда устозимнинг ҳиссаси бор. Чунки Шўхрат ака дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида сўзлаб берадиди-да, унга бўлган муносабатимизни албатта сўрарди. Шу билан бирга, "Бирор давлатнинг бугунини гапирганинг-да, унинг ўтмишини унутмаслигинг керак", дердилар.

Илм олиш истагида бўлган ҳар бир ўқувчидан қўлидан келганича ёрдамини аямас, баъзан тайёрлов курсимизда айрим абитурientлар молиявий

тозимни учратиш қолдим. Ўқийдиган йилларим ҳақидаги хабар эса аллақачон яқин-атрофга тарқалганди. Ўшанда менга айтган қатъий оҳангдаги сўзлари ҳали-ҳануз эсимда: "Сен ўзинг билганингдан кўра иқтидорлисан, аммо шуни билмас даражада дангасасан. Ҳатто ҳозир ҳам ўқишни ўйлаш ўрнига, айбдордек кўрқиб, бекиниб юрибсан". Бу шунчаки оддий сўз эмас, ҳаётимни ўзгартиришга қодир бўлган сеҳрли сўзлар, шогирди тақдири учун чин маънодаги қайғуриш эди. Ким билсин, балки устоз ўзим пайкамаган жиҳат-

жиб чиқиб кетишини истамасди.

Унинг кўплаб шогирдлари жамиятда ўз ўрнини тогган. Баъзилар илм йўлидан бориб, устознинг изидан юриб ўқитувчиликни танладилар.

Агарда йўлингиз Қадим Кеш томонларга тушса, Шахрисабз шаҳридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатдан Шўхрат Ботиров ҳақида сўранг. Уни фақат устоз сифатида эмас, балки самимий инсон, жонқуяр мурраббий сифатида ҳам яхши танийдилар.

**Гавҳаршод
РУСТАМОВА,
ЎзМУ талабаси**

«УЧ»НИНГ ҲИКМАТИ

Хонадаги гулларга сув қўяётганимда қизим сўраб қолди: "Дада, сиз гул ўстиришни қаердан биласиз?". "Биламан-да!", дедим сабабини ўйлаб бошладим...

Ха, ўшанда бешинчи синфга ўтган, ўқитувчимизга тўхтовсиз саволлар берардим. Унинг гаплари дакки бериш учун айтилганмиди ё бошқа сабабданми, билмадим.

орқаси ҳам бир чизик бўлиб тушишини амалда кўрсатиб берадиди. Биздан ҳам худди шундай чиқаришни талаб қиларди.

"Бажарилган иш ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам яхши кўриниши керак", — деган насиҳати эндиликда бутун ҳаётим мобайнида ҳамроҳ бўлмоқда. Чунки устоз чала бажарилган ишни ёмон кўрарди.

Ҳозир бирор ишга қўл ур-

ёшинг улғайган сайин устозларингни тез-тез эсларкансан киши. Кўнгил дафтарини varaқлаб, хотира битикларини хаёлан мутолаа қиламиз. Шу билан қадрдон муаллимларни кўриб, улар суҳбатини олгандек бўламиз гўё.

Ўтган асрнинг ўрталарида, ўқувчилик кезларимизда Чироқчи туманида бор-йўғи тўртта умумтаълим мактаби фаолият юритар, туман марказидаги биз ўқиган 1-умумтаълим мактабиди бешта синф бўлиб, ҳар бирда 28—30 нафардан ўқувчи таълим оларди. Муаллимлар ҳам турфа феъл-атвор, билим соҳиб бўлиб, инсонийликни биринчи ўринга қўяр, таълим-тарбияда сусткашликни ёмон кўрарди. Айниқса, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчимиз Николай Александровнинг сабоқлари асло хотирамиздан кўтарилмайдилар. У бошқа миллат вакили бўлса-да, Ўзбекистонда туғилиб вояга етган, Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тугатган заковатли, билимли инсон эди. Муаллим бошқа фанларни ҳам чуқур билгани ҳолда, ўзбек халқ мусиқасини ёнжакда қойилмақом қилиб чаларди. Дарслари ҳам чалган қуйлари каби ёқимли эди. Ўзбек тили грамматикасидан ўтган ҳар бир мавзунини чуқур таҳлил қилиб, ҳаётини

соллар билан эринмай тушунтирарди. Шу бўйича уйга вазифалар бериб, топшириқ бажарилганини доим назорат қиларди.

Николай Александровнинг яна бир ютуғи — фасоҳатли нотиклиги эди. Аниқ, раво сўзлаш тил қондаларини чуқур ўрганиш билан боғлиқлигини таъкидлар, фикрларини ёрқин мисоллар билан исботлар, тушунтириб беради. Озғани нутқда ҳар бир сўзни ўз ўрнига қўйиб, сўз тартибини бузмасдан ишлатарди. Ўқувчилардан ҳам савол-жавоб жараёнида шунга эътибор беришни талаб қиларди. Одатий кунларнинг бирда ўқитувчимиз келгуси дарсада Ҳамид Олимжоннинг «Бахтар водийси» шеъри бўйича иш олинишини, бунинг учун мавзунини яхшилаб ўрганиб, тайёрлани келишимиз зарурлигини эслатди. Навбатдаги дарсада иш олиниш тартибини эринмай тушунтириб, ҳар ким ўз билганича мустақил ёзиши кераклигини, ким китобдан фойдаланса, уни ҳам сезишини эслатди.

Ўша дарсада 28 ўқувчи иш олиниш келгуси дарсада ўқитувчимиз иш олиниш билан таъминлаб, орамизда адабиётга қизиқувчилар камлигини айтди. Ҳар биримиз йўл қўйган хатоларни, ҳатто айрим ўқувчиларнинг қаратқич келишиги кўшимчаси ўрнига тушум келишиги кўшимчасини

қўллаганини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Ўқувчиларнинг 27 нафарига қоникарсиз баҳо ва бир ўқувчи — менга «уч» қўйилганини эълон қилди. Ҳўш, мен ишода қандай хатога йўл қўйган эдим? Эсимда бори: «қаҳрамон» сўзини ёзаётган, ёдимга «роман» сўзи тушган ва мен «қаҳрамон»ни «қаҳраман»га айлантиргандим.

Ўша «уч» ҳаётимда тубдан бурилиш ясаша ундади. Аввалига адабиёт, сўнг бошқа фанлар билан ҳам жиддий шуғулландим. Мактабни «аъло» баҳоларга тугатиб, ҳозирги Тошкент давлат ихтисосий университетини ўқишга кирдим. Университетни муваффақиятли тамомлаб, Қашқадарё вилояти молия бошқармасида ўн йил ишладим. Сўнг Чироқчи тумани ҳокимлиги молия бўлимини қарийб чорак аср бошқариб, нафақага чиқдим. Саккиз йил маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилдим. Адабиётга, китобга ихлосмандлигини туфайли биринчи марта мулоқотда бўлган кишилар мендан «Ўқитувчи бўлиб ишлаганмисиз?» дея сўрашди. Мен бундай ўхшатишдан қувонаман. Ахир, муаллимдек шаарафли, фидойи инсонларга менгалиш ҳар қандай кишини суянтиради-да!..

Эшмамат АБРАЕВ

Қашқадарё вилояти

ДОИМ ЁДИМДАГИ ОЛТИН ҚОНДАЛАР

Бошланғич синфдалигимизда кўча-қўйда тўп тепиб, ўйнаб, эрталаб тоза киийиб кетган қўйлак-шимимизни тупроққа белаб, уйга қайтиб келардик. Бешинчи ўтганимизда эса, «ўзгардик», ўзимизни катталардек тутиб, барча ишларимизни ўзимиз бажарадиган бўлдик. Бунга сабаб синфимизга Элмира опа раҳбар бўлиб келгани эди. Устоз ҳар биримизни доскага чиқариб эринмасдан савол-жавоб қилар, бошдан-оёқ разам солар, "Уйингда дазмол йўқми? Тиш пастанг борми?..." каби саволлар билан сўроқларди. Ўзи "рус тили"чи бўлса-да ўзбек тилини яхши биларди. У "Тарбиявий соат" дарсларини галати ўтар, бир гал дазмоллашни, кейингисиди шахсий гигиенани тушунтирарди. «Биз ўғил боламиз-ку», дегувчилар ёнига бир-бир яқинлашиб, қўйлакларидидаги тугмани қимирлатиб кўрарди-да, «айб»и очилганлар, талнафусда қолиб қолишарди. Кейин Элмира опа қўлига бир парча мато олиб, тугма қадашини кўрсатиб беради. У матога тугмани бир текис тикар ва унинг

сам, доим ўша гап ёдимга тушади. Дарвоқе, ҳатто тувакка гул ўтказишни ундан ўрганган эдим. Ёдимда, устоз "Гуллар одамнинг кайфиятини англайди" деган эди. Демак, гулларга қулиб қараш керак. Тупроғини юмша-таётган, сув қўяётганда уларга меҳр билан қарасак, яхши ўсади.

Бугун синфдошларимиз катта одамларга айланди. Устозимиз ўргатганларини эринмай бажарганимиз учун мустақил ҳаётга қадам қўйишимиз қийин кечмади. Ўша машқлар бугун ҳаётимизнинг ёзилмаган олтин қондаларига айланди. Гул ўстириш, нонушта тайёрлаш, ки-йимлардаги доғни кетказиш, дазмоллаш қондалари, гигиенага амал қилиш, тўғри овқатла-ниш... барчасини муаллимимиз ўргатган.

...Гулларга сув қуяр эканман, улар хурсандлигини сезиб, ҳар доимгидан ҳам равшанроқ товланганини сездим. Худди хаёлимда кечган болаликни, доим ёдимдаги олтин қондаларни кўриб тургандек...

Даврон РАҲАБ

2014-yil 8-oktabr, № 81 (8730)

КЕЛАЖАККА СОҒЛОМ ҚАДАМ



МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ОММАЛАШМОҚДА

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олимпия шон-шухрати музейида "Соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялашда миллий спорт ўйинларининг аҳамияти" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда вазирликнинг бошқарма бошлиқлари, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти профессор-ўқитувчилари, вазирлик ҳузуридаги Миллий спорт маркази, миллий спорт ўйинлари федерациялари вакиллари, юқори натижаларга эришадиган умидли спортчилар иштирок этди. Анжуманда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда халқ ўйинлари ҳамда миллий спорт турларини оммалаштириш ва аҳолини, айниқса, ёшларни миллий спорт турларига янада кенгроқ жалб қилиш борасида амалга ошириладиган тарғибот ишлари хусусида фикр юритилди.

—Бугунги кунда республикада миллий спорт турлари билан шугullanувчилар сони 160 мингдан зиёдни ташкил этади. Бу миллий спорт ўйинларига ёшларнинг қизиқиши ортиб бораётганидан далolat беради. Миллий спорт ўйинлари болаларимизнинг келгусида соғлом ва баркамол улғайиши, жисмонан ва маънан етук бўлиб шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Болаларга бўш вақтларида турли халқ ўйинларини ўргатсак, миллий спорт турларига қизиқишини оширсак, соғлом турмуш тарзига муносиб ҳисса қўшган бўламиз, — дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пулат Усмонов.

Яратилган кенг имкониятлар самараси ўларок, миллий спорт турлари билан шугullanувчи спортчиларимиз сони кўпайиб, улар республика ва халқаро мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллашмоқда. Спортчиларимизнинг эришадиган бундай юксак ютуқлари мамлакатимизда спортни, хусусан, миллий спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантиришга берилadigan эътибор маъсулидир.

Матбуот анжуманида "Ўзбек жанг санъати — миллий спорт" видеоролиги намойиш этилди.

Одина ҚУЛМУРОВА,
"Ma'rifat" мухбири

МАКТАБДА ХОТИРА ТУРНИРИ

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан мактабимизда шахмат бўйича хотира турнири ўтказилди. Юқори синф ўқувчилари иштирок этган мусобақада 1-ўрин 9-синф ўқувчиси Хусниддин Насриддиновга, 2-ўрин 9-синф ўқувчиси Зухриддин Мухиддиновга, 3-ўрин 9-синф ўқувчиси Дурдона Мирзаевага насиб этди.

— Бу каби мусобақаларнинг ташкил этилиши янги янги истеъодларнинг кашф этилишига, соғлом авлоднинг воёга етишига хизмат қилади, — дейди мактаб директори Ҳ.Хўжаев. — Ўқувчилар мактабимизда ишлаб кетган Юсуф Уронов, Марзия Тўраева сингари устоз ўқитувчиларнинг умр йўллари билан танишдилар.

Мусобақа жуда қизғин ўтди, гоили ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зебинисо КАРИМОВА,
Қизилтепа туманидаги 6-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Жамғарма маблаглари эвазига бунёд этилган илк спорт қошоналарида шугullanувчи болалар болалар бугун жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, спорт орқали ёш авлоднинг келажак сари соғлом қадам қўйишига эришилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2014 йилга мўлжалланган манзилли дастурига асосан Қашқадарё вилоятида 12 та болалар спорт объектлари қуриш ва реконструкция қилиш (шундан 11 таси янги қурилиш, 1 та капитал реконструкция), 4 та мусика ва санъат мактаби (3 та янги қурилиш, 1 та капитал реконструкция), жами 16 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 23 млрд. сўм маблағ ажратилган. Эътиборлиси, мазкур иншоотларнинг 14таси қишлоқ жойларида барпо этилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган йиллар ичида вилоятимизда 165та замонавий спорт иншооти қурилди, капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Уларнинг 152таси қишлоқ жойларида қад ростлади.

Бу эса чекка ҳудудларда ҳам болаларнинг спорт билан мунтазам шугullanishi учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида Қосон, Қарши, Шахрисабз, Қамаш, Миришкор, Яқабоб каби туманлардаги мактабларга янги спорт заллари қуриб берилди. Фойдаланишга топширилган спорт иншоотларида вилоятимиз ўқувчилари мунтазам спорт билан шугullanмоқда.

Вилоятда хотин-қизлар спортини ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар қилинапти. Нафосат соҳибалари ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида туманларда бадий гимнастика марказлари фаолияти йўлга



қўйилди ва жамғарма ҳисобидан спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бугун бу спорт турининг инсон саломатлиги учун беқиёс аҳамиятга эга эканини англаган ота-оналар ўз қизларини бадий гимнастика тўғаракларига етаклаб келмоқда.

— Спорт билан мунтазам шугullanadigan қизларни рағбатлантириш мақсадида вилоятдаги 6—18 ёшгача бўлган 75 мингдан зиёд ўқувчи қизларга 1 миллиард 180 млн. сўмлик спорт кийимлари улашилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Сирожиiddин Азизов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 февралдаги «2016 йил Рио-де-Жанейро шахри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турларини янада ривожлантириш ва федерациялар фаолиятини такомиллаштириш бўйича вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан дастур ишлаб чиқилди. Унга кура, дзюдо, юнон-рум кураши, тазквондо,

оғир атлетика, спорт ва бадий гимнастика, қўл түпи, футболни янада ривожлантирган ҳолда, янги спорт турлари бадминтон, ўқ отиш спортни моддий-техник базасини мустаҳкамлаш асосий мақсад этиб белгиланди.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан 393 та спорт мусобақалари ўтказилиб, жами 60473 нафар ёшлар жалб этилди. Тадбирларнинг аксарияти жамғарма маблаглари ҳисобидан қурилган болалар спорт иншоотларида ташкил этилди.

Кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Авазов, каратэ бўйича Осиё чемпиони Софийа Каспулатова, дзюдо бўйича Олимпиада ўйинлари иштирокчилари Навруз Жўрақобиллов ва Дилшод Чориев сингари спортчилар билан ўтказилган учрашувлар, маҳорат сабоқлари ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга иштиёқини янада кучайтирди.

Яратилadigan шароитлар тўғрисида вилоятда 6—15 ёшдаги болалар ўртасида спорт ва жисмоний тарбия билан шугullanувчилар сони кўпайиб кетди.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ШАХМАТ ХАБАРЛАРИ

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача болалар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати якунига етганидан хабарингиз бор. Унда иштирок этган 5 нафар ёш шахматчимиз яхши натижаларга эришди, дейиш мумкин. Айниқса, 10 ёшли Нодирбек Абдусатторовнинг (8,5 очко) жаҳон чемпионати кумуш медалига сазовор бўлгани кувонарлидир. Худди шу ёш гуруҳида баҳс олиб борган Жавохир Синдоров 7,5 очко билан 9-ўринни эгаллади. 12 ёш тоифасида яна бир иктидорли шахматчиси Нодирбек Ёқубов 6-ўриндан жой олди (7,5 очко). 14 ёшлилар гуруҳида мусобақалашган Темур Игонин эса 14-ўрин билан қифоланди.

16 ёшгача қизлар гуруҳида Баҳора Абдусатторова гарчи совринли ўринга сазовор бўлмаган бўлса-да, (7,5 очко, 8-ўрин), катта муваффақиятга эришди. Жаҳон чемпионати олдинда Республика шахмат федерациясининг "Олтин куз" турнирида ва "Сехрли шахмат" шахмат клубининг рейтинг турнирида муваффақиятли иштирок этиб, 94 рейтинг балини қўлга киритган 15 ёшли шахматчи қизимиз жа-

ҳон чемпионатида яна 100 рейтинг балини ўз ҳисобига қўшди. Сентябрь ойида 194 рейтинг бали олишга эришган Баҳора 1 октябрь ҳолатига FIDE эълон қилган рейтинг жадалига кура 2202 рейтинг бали билан мамлакатимизнинг хотин-қизлар ўртасида учинчи рақамли шахматчиси айланди. Таъкидлаш жоизки, бунгача у ҳали бирор марта кучли ўнликка ҳам кирмаган эди.

Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида эса 20 ёшгача ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бошланди. Швейцарча тизимда 13 тур давом этадиган мусобақада мамлакатимизнинг икки нафар вакили иштирок этмоқда: Сарвиноз Курбонбоева ва Шамсиддин Воҳидов. Жаҳон чемпионати 19 октябрда ниҳосига етади.

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида FIDE Гран-при мусобақаси 2014—2015 йилги мавсумининг 1-босқичи бошланди. Унда ҳамюртимиз Рустам Қосимқонов ҳам иштирок этмоқда. Ҳозирча ўтказилган 4 турдан сўнг барча партияларини дуранг билан якунлаган ўн еттинчи жаҳон чемпиони ҳисобида 2 очко бор. Шу йил 20 октябр — 3 ноябрь кунлари ўтказиладиган FIDE Гран-приси 2-босқичига Тошкент шахри мезбонлик қилади.

Ҳ.НИШОНОВ



Ҳурматли Назорат ая Абдувалиева!

Сизни таваллуд айёмингиз, қутлуг 68 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз! Сиз узок йиллар давомида Тошкент вилояти Пискент туманидаги 29-ўрта мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаб келгансиз. Таъриблик педагог-лигингиз боис методист ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатдингиз. Мактабда жонқуяр устоз, ҳамкасбларингиз орасида меҳрибон дуст бўлиб танилдингиз. Оилада эса фарзандларингизга меҳрибон онасиз, набираларингизнинг жондан ортиқ суйган бувижонисисиз.

Сизга узок умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Узок йиллар хонадонингизнинг фойзи бўлиб юринг.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ҳурмат билан фарзандларингиз ва ҳамкасбларингиз.

Qaror va ijro



САН'АТНИНГ СЕҲРИ ОЛАМИ

Жиззах вилояти Фориш туманидаги 18-болалар мусика ва санъат мактаби илк ўқувчиларини ўз бағрига олди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори доирасида янгидан қурилиб, замонавий жиҳозланган мактаб 17 ўқув хонаси, муҳташам концерт зали, компютер синфлари ҳамда ахборот-ресурс марказига эга.

Бу ерда олтимиш нафардан ортиқ бола миллий чолгулар, анъанавий хонандалик, эстрада ижрочилиги, рақс, драма ва кино актёрлиги, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, компютер графикаси каби йўналишлар бўйича сабоқ олмақда.

Суратларда: Жиззах вилояти Фориш туманидаги 18-болалар мусика ва санъат мактабида.

Шерзод НАЗАРОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

МАҲАЛЛАНИНГ БОҒЧАСИ

Самарқанд шаҳри Куйи Хўжасоат маҳалласида «Регистон юлдузи» номли нодавлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади.

2014-yil — Sog'lom bola yili



80 ўринга мўлжалланган муассасада таълим-тарбия ишлари «Болажон» таянч дастури асосида олиб борилмоқда. Ўзбек ва рус тилларида гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, асосий эътибор болажонларнинг инглиз тили бўйича пухта бошланғич билим

олишига қўмаклашиш, уларнинг интеллектуал қobiliятини ривожлантиришга қаратилмоқда. Боғчада кам таъминланган оилалар фарзандлари учун имтиёзли тўловлар жорий этилган.

ЎЗА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. F-1024. Tiraj 39275.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
O'za yakuni — 20.45 Topshirildi — 22.05

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Nabatchi muharrir:
Rayhona XO'JAYEVA.
Nabatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.